БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

12 ЙИЛ ЧИҚИШИ

18 (2990).

27 январь

ЧОРШАНБА

1965 йил.

Баҳоси 2 тийин.

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

Л. И. БРЕЖНЕВ БИЛАН МОДИБО КЕЙТА БИР-БИРЛАРИГА МАКТУБ ЮБОРДИЛАР

КПСС делегациясининг Мали Республикасига қилган сафари муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев ва Судан иттифоқи партияси — РДА бош секретари Модибо Кейта бир-бирларига мактуб юборишдилар.

Биз, деб ёзади Л. И. Брежнев, зўр қувонч билан шуни қайд қиламизки, империализмга ва мустамлакачиликка қарши, тинчлик, миллий мустақиллик, демократия ва социализм учун курашдаги манфаат ва мақсадларнинг ўсиб бораётган бирлиги партияларимизни бирлаштирмоқда.

Мактубда бундай дейилади: КПСС Судан иттифоқи партияси, Мали Республикаси халқининг социализм йўлини танлаб олганлигини қизғин табриклайди.

КПСС Марказий Комитети КПСС билан Судан иттифоқи ўртасидаги партиявий алоқаларнинг ривожланишидан ғоят мамнун эканлигини билдиради. СССР билан Мали Республикаси ўртасидаги давлат муносабатлари каби ана шу алоқалар ҳам кейинги вақтларда анча кенгайди ва мустаҳкамланди.

Модибо Кейта КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоларига ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг барча аъзоларига Судан иттифоқи партияси — РДА Миллий сиёсий бюросининг қардошларча ва дўстона саломини йўллади. Судан иттифоқининг активлари, деб таъкидлайди у, улуғ Ленин партиясининг аъзолари билан самимий ва қардошларча алоқа боғлаганликларидан фахрланадилар. Бизнинг партиямиз, деб ёзади Модибо Кейта, КПСС-нинг қимматли тажрибаси ва ёрдамидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишни ўзи учун бебаҳо афзаллик деб билади. КПСС социализм барпо қилиб, эндликда улуғ совет халқини коммунистик жамият сари бошлаб бормоқда.

Модибо Кейта Совет Иттифоқига келиш тўғрисидаги таклифни қабул қилди. Модибо Кейта бу сафар Судан иттифоқи партиясининг бош секретари сифатида Совет Иттифоқига келади. (ТАСС).

СЎНГГИ ОГОҲЛАНТИРИШ

ДАМАШҚ, 26 январь. (ТАСС). Дамашқ радиоси президентлик кенгашининг янги фармонини эшиттирди. Бу фармон йирик буржуазия ва реакция томонидан уюштирилган забастовкани ҳали ҳам тўхтатмаган савдогарларга нисбатан маъмурларнинг сўнгги огоҳлантиришидир. Ўз магазинларини эртага очмайдиган савдогарларнинг ҳамма товарлари, ҳамма мол-мулклари, дейилади фармойишда, мусодара қилинади ва махсус комиссия томонидан ҳисобга олинади, савдогарларнинг ўзлари эса давлат хавфсизлигига қасд қилиш ва жамоат тартибини бузишда айбланиб, фавқулодда ҳарбий трибунал судига берилади. Тартибсизлик қилишга бевосита ёки билвосита ундайдиган шахсларга нисбатан ҳам шундай чоралар кўрилади.

МОСКВАЛИК ВА ЛЕНИНГРАДЛИКЛАР ИЗИДАН

ПЕШҚАДАМ БРИГАДАЛАР

Иван Чулповни энди ҳамма танийди. У коммунистик меҳнат бригадасига бошлиқ. Қураётган биноларида ишчилар, хизматчилар истиқомат қилишяпти. Квартиралар шинам ва кўркам.

Иван бошқармага дастлаб электр-пайвандчи бўлиб келган эди. Разряди йўқ, ҳали тажрибасиз эди у. Меҳнат қилди, кунт билан малакасини оширди. Билмаганларини дўстларидан сўраб ўрганди. Зеҳни чаккн эмас экан. Ташкилотчилик қобилияти ҳам бор экан унинг. Маъмурият буни дарҳол пайқаб, уни монтажчилар бригадасига бошлиқ қилиб тайинлади.

Бригада аъзолари шу кунларда Високовольтний массивида уй қуришяпти. Улар ишлаётган участкада суръат зўр. Графикдан олти кун илгарилаб боришяпти. Ҳар сменада нормадаги 30 ўрнига 50—60 тадан панелни монтаж қилмоқдалар.

Бинокорлар фақатгина сон кетидан қувишаётгани йўқ. Сифат учун курраш улар шиори. Қўлларидан чиқаётган ҳар бир бино «яхши» ва «аъло» баҳолар билан қабул қилиб олинмоқда.

Бошқармада бундай илғорлар оз эмас. Ҳамма ғайрат билан меҳнат қиляпти. Улар зиммасига бу йил юксак мажбуриятлар юклатилган. Чилонзор ва Високовольтний массивларида ҳар бири 48 квартирали бўлган 120 та бино меҳнаткашларга ҳадя этилиши керак. Михаил Давиденко, Геннадий Оппасов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадалари ҳам Иван Чулпов йигитлари билан бир сафда боришяпти. Тошкент уйсозлик комбинати монтаж бошқармаси коллективи улар тайрати ва шижоатига тасанно демоқда.

А. МУРИЕВ.

76 МИНГ СЎМ ФОЙДА

Корхона рационализатор ва ихтирочилари ўтган йил натижаларини ҳисоб-китоб қилиб чиқишди. Янгилик изловчилар чакки ишлашмабди. Улардан тушган 49 та рационализаторлик таклифининг 47 таси ишлаб чиқаришга жорий этилди. Таклифлар қимматини пулга чақканда 76 минг сўмни ташкил этади. Демак шунча фойда кўрган фирма. Бу янгиликлар эвазига қанча-қанча агрегатлар такомиллашди, хомашёлар тежаб қолинди, маҳсулот сифати яхшиланиб, таннархи арзонлашди. Энг муҳими кишилар меҳнати анча енгиллашди.

Янгилик учун курашда слесарь В. Депре доимо олдинги сафда бўлди. У учта таклиф киритди. Уччала таклиф ҳам муҳим муаммоларни ҳал этди. В. Депре таклифи билан тўқув агрегатларининг кўпгина деталлари капроп билан алмаштирилди. Натижада агрегатлар тежамлидиги ошди, унда тўқилаётган маҳсулот сифати кескин яхшиланди. Моҳир рационализатор ўз изланишлари билан «Учқун» тўқимачилик-галантерия фирмаси фондига 775 сўм соф фойда келтирди.

Ж. НОСИРОВ.

СИФАТЛИ ТОЛАЛАР

Бу корхонага ҳар томондан заказлар тушади. Одесса, Ленинград, Курск, Тошкент — ҳамма аъло сифатли толалар ишқибози. Юқори Чирчиқ районидаги жут-канап заводи коллективи ишидан ҳамма шод. Меҳнатсеварлар ўтган йилни зафарлар билан якунлади. Меҳнат унумдорлиги уч ярим процент ортди. Маҳсулот таннархи эса икки ярим процент арзонлашди.

Коллектив етти йилликнинг сўнгги йилини ҳам ана шундай муваффақиятлар билан якунлаш иштиёқида гайрат кўрсатяпти. Йил давомида 2760 тонна тола ишлаб чиқариш мажбуриятн олинган. Уларнинг 2100 тоннаси узун толали бўлади. Азаматлар шу кунларда олинган мажбуриятга яраша меҳнат қилмоқдалар. А. Андронова, А. Морозов, И. Вдовин каби ишлаб чиқариш илғорлари меҳнатда ҳамкасбларига ўрнак бўлишяпти.

А. КИМ.

«Ташавтомаш» заводи коллективи етти йилликнинг сўнгги йилида 26 минг дона автоприцеп ишлаб чиқариб, пахтакорларга ҳадя этишга аҳд қилган. Шу кунларда корхона цехларида меҳнат кутаринкилиги зўр. Ҳар куни конвейердан юзлаб машина тушаяпти. Суратда: автоприцеплар учун тайёрланган покришкалар сифати кўздан кечирилмоқда.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ВЬЕНТЬЯНДАГИ АЭРОДРОМДА ПОРТЛАШ

10 ТА САМОЛЁТ ЯКСОН ҚИЛИНДИ

НЬЮ-ЙОРК, 25 январь. (ТАСС). Лаос пойтахти Вьетьян яқинидаги аэродромда самолётларнинг ўқ-дори запасларини тўлдириш вақтида ҳар бири 500 килограмм келадиган фугас бомбаларидан бир нечтаси портлаб кетди. Портлаш натижасида Лаос авиациясига қарашли самолётларнинг ярми ер билан яксон бўлди, деб хабар берадилар Америка агентликлари Вьентьяндан.

Агентликларнинг хабарларига кўра, ана шу самолётлар Патет — Лао қуролли кучларининг қисмлари ишгол қилиб турган районларга галдаги бомбаларни ташлашга ҳозирланаётган эди. Пулеметга ўқ солиш пайтида ўқ ўз-ўзидан отилиб кетиб, самолётнинг бензин бакига бориб теккан. Бензин баки портлаб, олов туташиши натижасида самолёт яқинидаги бомбалар ҳам портлаган. «Т—28» маркали ўнта қирувчи — бомбардимончи самолёт батамом яксон бўлган ва учта самолёт қаттик шикастланган. Қурбонлар бор.

Бу самолётларни Лаосга Қўшма Штатлар етказиб берган эди. Агентликларнинг таъкидлашича, Американинг Лаосдаги элчиси Уильям Салливен Қўшма Штатлар яксон бўлган самолётлар ўрнига янгиларини юборади, деган.

«Нью-Йорк Таймс» газетасининг мухбири С. Топпчинг Қўшма Штатларнинг Шарқи-Жанубий Осиё районидаги ишларга қурол кучи билан аралашаётганлигини шарҳлаб, Сайгондан юборган хабарида Қўшма Штатлар сўнгги ойларда шу районга қурол-яроғлар етказиб беришни кўпайтирибгина қолмай, шу билан бирга Америка авиациясининг Лаосдаги уруш ҳаракатларига аралашувини кучайтириб ҳам юборди, дейди. Американинг «Ф—100» ва «Ф—105» қирувчи самолётлари Жанубий Вьетнамдаги Дананг базасидан мунтазам равишда ҳавога кўтарилиб, жанговар топшириқларни бажармоқда, бошқа самолётлар эса, Вьетнам соҳиллари яқинида турган Америка авианосларидан ва Таиланддаги базалардан парвоз қилмоқда.

Мухбирнинг сўзларига қараганда, Америка авиацияси уруш ҳаракатларини Лаосга кўчираётганлигига шу нарса «сабаб» бўлмоқдаки, «Лаосдаги уруш Жанубий Вьетнамда Вьетконг партизанларига қарши олиб борилаётган уруш билан чамбарчас чатишиб кетган» эмиш. Мухбир Патет-Лао Шимолий Вьетнамдан ёрдам олиб турибди, деган важ билан Американинг Лаосдаги агрессиясини оқлашга уринса ҳам, лекин шунга қарамай Қўшма Штатларнинг Лаосдаги ишларга қурол кучи билан аралашуви Лаосга ажнабийларнинг аралашувини тақиқловчи 1962 йилги Женева битимига хилоф экانлигини тан олишга мажбур бўлди. Мухбирнинг сўзларига қараганда, америкаликлар Лаосда «Осиё коммунистларига қарши уруш олиб бормоқда».

КОСМОСДА БИРИНЧИ ТЎҚНАШУВ

ЛОНДОН, 25 январь. (ТАСС). Американинг ўтган йил январда учирган «Эхо-2» деган йўлдоши космосдаги биринчи тўқнашув қурбони бўлди, деб ёзади бугун «Гардиан» газетасининг илмий масалалар билан шуғулланувчи мухбири. Англия короллиги радиолокация марказининг олимлари қатор қузатишлар ва ҳисоб-китоблар ёрдами билан шуни аниқладиларки, йўлдош орбитага чиққандан кейин ўзидан ажралиб кетган контейнернинг ярим бўлаги билан тўқнашган.

ПЛАНЕТАНИНГ ҲАММА ТАРАФИДАН

ТАССНИНГ ЧЕТ ЭЛЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ВАРШАВА

Польша Социалистик ёшлар союзининг ташаббуси билан уруш йилларининг даҳшатлари ва фашистларнинг оммавий қирғин лагерларидаги тутқунларнинг чексиз азоб-уқубатлари билан ёшларни таништириш мақсадида Освенцимда сессия бўлиб ўтди. Сессия қатнашчилари Польша ёшлари номидан Германия Федератив Республикаси ёшларига мурожаат қилиб, уларни Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг гитлерчи жиноятчиларни жавобгарликка тортиш «муддати ўтиб кетган», деган баҳона билан суд жавобгарлигига тортишни тўхтатиш йўлидаги ниятларига қарши чиқишга даъват қилдилар.

МАДРИД

Испанияда иқтисодий аҳвол ёмонлашиб бормоқда. 1962 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб узлуксиз ошиб бораётган қимматчилик 1964 йилнинг охирига келиб янада тезлашиб кетди. 1963 йилнинг январидан бошлаб 1965 йилнинг январига қадар мамлакатда тирикчилик қиммати 18 процент ошди. Испаниянинг кўпгина экономистлари тирикчилик қиммати 1964 йилнинг ўзида 25 процент, 1963 йилнинг бошидан бери эса 40 процент ошганлигини айтиб, расмий маълумотларни шубҳа остида қолдирмоқдалар.

Франко билан унинг малайлари террор вазиятини ва режимнинг фашистик формасини сақлаб қолишга интилмоқдалар. Маъмурлар демократларни таъқиб қилишни кучайтирмоқда, суд маҳкамаси эса зўравонлик вазиятида ўтказилмоқда.

БОНН

Католикларнинг ҳафталик «Рейнешер меркур» газетаси Германия Федератив Республикасида яширин тарзда ишлаётган жуда кўп фашист ташкилотлар борлиги ҳақида ёзади. Бу ташкилотларнинг асосий вазифаси нацист ҳарбий жиноятчиларни ёшириш ва уларнинг чет элларга қочиб кетишига кўмаклашишдан иборат. Ҳозирги вақтда Германия Федератив Республикасида ҳукумат, полиция ва бундесверда юксак лавозимларни эгаллаб турган собиқ национал-социалистлар шу ташкилотларга зимдан ҳомийлик қилмоқдалар.

РИМ

Шимолий Италияда қароқчилик ва таловчиликлар жуда кучайиб кетди. Сўнгги вақтда саккиз банк таланди. Генуяда банкларнинг ўзида қуролланган қароқчилар 16 миллион лирани ўғирлаб, қойиб бўлганлар. Веронада икки бандит 10 миллион лирани банкдан олиб қочган, лекин полиция уларни ушлаб олган. Заргарлик магазинларини талаш ҳоллари ҳам тез-тез учраб турибди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● Бу йилги қиш АҚШнинг шарқий қиргоғи билан Иллинойс штати ўртасидаги жуда кенг районда яшовчи аҳолининг бошига бениҳоя катта кулфат солди. Қор бўронлари натижасида алоқа йўллари бузилди ва неча юзлаб шаҳар ҳамда посёлкалар электрсиз қолди. Касалхоналар автомобиль фалокати қурбонлари билан тўлиб кетганлиги учун кўп йўлларда қатнов тўхатилди. Кўпгина мактаблар ҳам ёпилди. АП агентлигининг хабар беришича, АҚШнинг тарихида бунчалик қаттиқ қор бўронлари илгари ҳеч қачон бўлмаган.

● Конго озодлиги миллий кенгаши эълон қилган ахборотда бундай дейилади: Конго Республикаси (пойтахти Браззавиль) территориясида Конгога (Леопольдвиль) қарши уруш ҳаракатлари олиб бориш имконини берадиган базалар йўқ. Чомбе қуролли отрядлар Конго (Браззавиль) территориясидан қўшни Конго (пойтахти Леопольдвиль) территориясига ҳужум қилмоқдалар, деб даъво қилганлиги муносабати билан ана шу раддия эълон қилинди.

● Маниладаги Америка элчихонаси биноси олдида бир неча минг киши «Американликлар, бу ердан тўғингизни шиқиллатиб қолинг!», «Нўқолсин американлик қотиллар!» деган шиорлар остида намойиш ўтказди. Намойиш қатнашчилари қора картондан ясалган ва Американинг ҳарбий базаларида ҳалок бўлган филиппинликларни эсга туширувчи ўттиз иккита тобутни кўтариб бордилар. Намойишчилар элчихона биносига кира беришда «Америка империализми» сўзлари ёзилган тасқарани ёндирдилар. (ТАСС).

ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЭЪТИБОР ШУМИ?

УЧ ЙИЛДАН БЕРИ СУДРАЛАЁТГАН КОРХОНА

Партия ташкилотининг роли қани

Ғалвир сувдан кўтарилди: ҳамма жойда ўтган хўжалик йилига якун ясалди. Келесдаги 7-гишт заводлари бошқармасида ҳам шундай қилинди. Бироқ корхона коллективининг юзи яна шувит бўлиб қолди. Нега?

Бошқарма бўйича гишт ишлаб чиқариш йиллик плани зўр-базўр 92.7 процент бажарилди. Қурилишларга 3 миллион 994 минг дона гишт кам берилди. Сурункасига уч йил шундай бўлиши. Ўтган уч йил мобайнида қурилиш объектлари бу корхонадан пландагидан 9 миллион 550 минг дона кам гишт олдилар.

Заводнинг қолоқлигига сабаблар кўп. Халқ хўжалиги кенгаши бинокорлик материаллари саноати бошқармаси негадир сўнгги учтўрт йил ичида бу корхонага унча эътибор бермай қўйди. Ишлаб чиқариш маданиятини кўтариш, янги техника ва технологияни жорий этишда завод коллективига зарур ёрдамни бермади.

Сўнгги тўрт йил ичида директор беш марта, бош инженер тўрт марта алмаштирилди. Раҳбарлар келиб кетаверишди-ю, завод қолоқликдан чиқмай қоларди.

Завод ишлаб чиқаришда механизация даражаси паст. Ҳамон бундан 30 йил илгари қурилган иккитагина печь ишлаб турибди. Улар ҳам вақти-вақти билан ремонт қилиб турилмайди, зўриқтириб ишлатилади. Кўрсатилган муддатлардан ортиқроқ эксплуатация қилиниши натижасида мавжуд техника ҳам ишга яроқсиз бўлиб қолмоқда.

Тупроқ ташиш учун хизмат қиладиган «МД-54» маркали мотовозни олиб кўрайлик. Ҳар бир мотовознинг ишлаш муддати тўрт йилга мўлжалланган. Бироқ заводда тўртта мотовоз олти йил ишлатилди. Шундан иккитаси яқинда «қийноқ»ка бардош беролмай сафдан чиқиб қолди. Қолган иккитаси иш процессида тез-тез бузилиб турибди.

Корхонада печлардан гишт ташиб чиқарадиган 28 та электрокар бор. Ҳозир шулардан еттитаси ишлаяпти, холос. Мана, икки йилдирки, 21 та электрокар ремонт талаб бўлиб ётибди. Шу туфайли биринчи печдан чиққан гиштлар замбил ғалтакларда ташилмоқда. Электрокарларни ремонт қилиш, запас қисмлар келтириш масаласи билан ҳеч ким конкрет шуғулланмай қўйган.

Корхона ишлаб чиқаришида қўл кучи асосий роль ўйнамоқда. Ҳар куни печлардан тонналаб чиқиндилар, гишт парчалари чиқади. Ҳозир бу ишга ҳар куни 15 киши овора. Борди-ю, шу процесс механизация зиммасига юклатилганида эди, завод бир йилда 15 минг сўм иқтисодий тежамга эга бўларди. Краннинг йўқлиги туфайли машиналарга гишт қўлда ортилмоқда.

Ўтган йили еттита ташкилий-техникавий тадбирни амалга ошириш планлаштирилган эди. Шундан учтасигина тўла бажарилди, қолганлари чалакам-чатти адо этилди. Жумладан, биринчи печдан гишт чиқаришни механизациялаш, гиштларни вагонга кранлар ёрдамида юклашга ўтиш сингари тадбирлар амалга ошмай қолди.

Хўш, ўтган йил планининг барбод бўлишида, корхонанинг чўкиб қолишида кимлар айбдор? Корхона партия ташкилоти ишлаб чиқаришдаги камчиликларни йўқотиш масалаларн билан шуғулланяптими?

Завод партия ташкилоти ҳисобида 84 коммунист бор. Бу — катта куч. Лекин ростини айтиш керакки, завод ишлаб чиқаришда партия ташкилотининг — коммунистларнинг авангардлик роли сезилмаётир.

— Заводнинг ҳамма раҳбарлари янги, — дейди партия бюросининг секретари Ўртоқ Н. Михненко, — мени ҳам яқинда сайлашган.

Партия ташкилоти бюросининг янги состави сайланганига тўрт ойдан ортиқроқ вақт ўтди. Бироқ бюро аъзолари Ўртоқ Михненко айтганидек, ҳамон «янгиман» деб юришибди. Ўтган вақт ичида бюро мажлисида ҳам, коммунистларнинг умумий йиғилишида ҳам бевосита ишлаб чиқаришга таллуқли масалалар бирор марта муҳокама этилмади.

Партия турмуши

— Ишлаб чиқариш масаласини муҳокама қилган мажлис қарори билан танишсак бўладими? — сўрадик партбюро секретаридан.

Секретарь бироз ўйлаб турга ч;

— Шундай мажлислар бўлган-у, лекин қарори йўқ-да, — деб жавоб қайтарди.

Партия ташкилотининг секретари айрим коммунистларга ишлаб чиқаришга таллуқли масалалар бўйича «оғзаки» топшириқлар берилганлигини айтди. Лекин натижаси нима бўлганини ўзи ҳам билмайди.

Заводда коммунистлар муҳокама қилишса арзигулик, ўзининг қачон ҳал бўлишини кутиб ётган жумбоқлар талайгина. Масалан, ҳозир корхонада гишт ҳам, черепица ҳам зарар кўрган ҳолда ишлаб чиқарилмоқда. Ҳар минг гиштнинг таннархи план бўйича 15 сўм 86 тийин бўлиши керак эди. Ваҳоланки, ўтган йили 17 сўм 25 тийинни ташкил этди. Корхона бир йилда давлатга 72 минг сўм зарар келтирди. Партия ташкилоти бунинг сабабларини ўрганса, муҳокама этса бўлмасмиди?

Гиштнинг сифатидан бинокорлар кўнгли тўлмаяпти. Корхонада брак даражаси юқори. Бултур брак пландаги 2,5 процент ўрнига 5 процентни ташкил этди. Бошқача айтганда 1 миллион 200 минг дона гишт бой берилди. Коммунистлар шуларни муҳокама қилсалар бўлмасмиди? Бироқ партия ташкилоти бундай масалаларни четлаб ўтди. Ҳар бир цех, смена, бригада ишидан кўз-қулоқ бўлиб, камчиликларни аниқлаш ва бартараф этишда коммунистлар маъмуриятга яқиндан ёрдам беришлари мумкин эди-ку. Афтидан, улар ўз корхоналарининг қолоқлигига кўникиб қолганга ўхшайдилар.

Ўртоқ Н. Михненко партия ташкилотининг 8 та доимий комиссияси борлигини айтди. Лекин шу комиссиялардан бирортасининг тайинли бирор иши ҳақида гапириб беролмади. Партия-давлат контролига кўмаклашувчи группа раиси Ўртоқ Қ. Раҳмонов билан суҳбатлашдик.

— Ҳали ишга киришганимизча йўқ, — деди у. — Москва ва Ленинград саноатчиларининг ташаббуси асосида маҳсулот сифатини яхшилаш учун баъзи тадбирларни амалга ошириш ниятимиз бор. «Сифат куни» ўтказсакмикан?

Бу ният ҳозир ниятлигича қолиб турибди. Барча корхоналар ўз маҳсулотларининг сифатини аъло даражага кўтариш учун қизғин курашаётган бир пайтда бу заводда эндигина ўйлаб кўришмоқчи.

Кези келганда айтиб ўтиш керакки, ишчиларга маиший хизмат кўрсатиш қониқарсиз аҳволда. Мавжуд ошхона ва чойхона биноси кичик, эскирган. Заводда ётоқхона йўқ. Боғча ва яслилардаги ўринлар сонини кўпайтириш тадбирлари кўрилмаяпти. Айтишларига қараганда, тўрт йилдан буён ишчилар учун уй-жой қурилишига маблағ ажратилмаётган экан. Бу камчиликлар ҳақида ишчилар Халқ хўжалиги кенгаши бинокорлик материаллари саноати бошқармасига ҳам, район ижроия комитетига ҳам бир неча бор мурожаат қилишди. Лекин бу ҳақли талаблар ҳозирча қоғозда қолиб келяпти.

Завод маҳсулотини бутун республика оляпти. Шу сабабли унинг қурилишлар суръатини жадаллаштиришдаги роли катта. Завод маъмурияти, партия ташкилоти, шунингдек халқ хўжалиги кенгаши корхонани қолоқликдан чиқариш учун тезда зарур чора ва тадбирларни кўришлари керак.

Т. МИРҲОДИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

И. ЮСУПОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ҲИНДИСТОН ХАЛҚИГА ҚУТЛОВЛАР

Шонли воқеа — Ҳиндистон республика деб эълон қилинган кунинг 15 йиллиги муносабати билан СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Ҳиндистон бош министри Л. Б. Шастрига табрик телеграммаси юборди. СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян эса Ҳиндистон Президенти С. Радхакришнанга табрикнома йўллади.

Ўртоқ Косигин совет халқи ва Совет ҳукумати номидан бутун ҳинд халқига самимий қутловлар ва энг яхши истаклар топширди. Ўтган ўн беш йил мобайнида, дейилади телеграммада, совет ва ҳинд халқларининг дўстлиги ўсди ва мустаҳкамланди.

Ўртоқ Микояннинг табрикномасида ҳар икки мамлакат ўртасидаги ана шу дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик йилданйилга ўсади ва мустаҳкамланади, Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқларига ўзининг саҳий самараларини беради, ер юзида мустаҳкам тинчликнинг қарор топишига ёрдам беради, деб ишонч билдирилади.

* * *

СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, Ҳиндистон ташқи ишлар министри С. Сингхга табрик телеграммаси юборди.

(ТАСС).

14 МАРТ—МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ЯШНАЁТГАН ҚИШЛОҚЛАР

Сиз Оржоникидзе районидаги «Гулистон» қишлоғида бўлганмисиз? Унинг кўчаларида сайр этиб, юранка яқин кишилари билан суҳбатлашганмисиз? Бу қишлоқ кейинги икки-уч йил мобайнида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.

Узоққа бормай, шу қишлоқ Советига қарашли «Маданият» колхозида рўй берган ўзгаришлар ҳақида гапиришнинг ўзи кифол.

Кейинги икки йил ичида бу колхозда 15 километрдан ортиқ йўл текисланиб, асфальт ётқизилди. Колхозда битта саккиз йиллик мактаб, янги меҳмонхона, тўртта чойхона, шунингдек 25 ўринли касалхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Касалхона «тез ёрдам» машинаси билан таъминланди. Шу бинода аптека, амбулатория ва туғруқхона ҳам жойлашган.

Шуниси қувончлики, бу ерда хизмат қилаётган врачлар, фельдшерларнинг кўпчилиги шу қишлоқ фарзандларидир. Исроил Арслонов, Носир Собиров, Раиса Азизова, Хайри Акбарова каби халқ соғлиғининг посбонлари қишлоқ аҳлининг ҳурматини қозонишяпти.

Киров номли колхоз ҳам тобора ободонлашяпти. Бу ердаги касалхона кенгайтирилди.

Қишлоқ кўчалари текисланиб, асфальт ётқизилди. Матлубот жамиятининг ташаббуси билан қишлоқда бешта нонвойхона қурилди. Бунда колхоз аъзоси, Узбекистон ССР Олий Совети депутати Мастура Ортиқованинг ҳам ҳиссаси катта.

Киров номли ва «Маданият» колхозларида ҳозир саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қиладиган бир неча магазин ишлаб турибди. Яқинда ҳар иккала колхозга хизмат кўрсатадиган янги ошхона қурилиб, ишга туширилди. Кейинги икки йил давомида қишлоқ кўчаларининг четларига беш минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Ҳа, бу қишлоқдаги ҳар икки хўжаликнинг даромади ошган сайин колхозчиларнинг турмуши фаровонлашмоқда. Бу хўжаликларда радиоприёмник бўлмаган, электр нури порламаган бирорта хонадон йўқ. Кўпгина колхозчиларнинг шахсий машиналари, мотоциклари бор. Улар ҳар куни кечқурун зангори экран олдида ўтириб маданий ҳордиқ чиқаришади.

— Қишлоғимизнинг келажаги янада порлоқ, — дейди қишлоқ Советининг раиси Тошмат ака Раҳмонбердиев. — Биз бу йил депутат ва жамоатчилигининг ёрдамига таяниб «Маданият» ва Киров номли колхозларда водопровод кранлари ўрнатиш, ҳар бир хонадонни газ билан таъминлашга аҳд қилдик. Ишонамизки, шу йил 14 март-маҳаллий Советларга бўладиган сайловларда номзодлари кўрсатилган депутатлар қишлоғимизни ободонлаштириш ишига катта ҳисса қўшадилар.

Н. ҚАЮМОВ.

АГИТПУНКТДА ИШ ҚИЗҒИН

Болгарский огороди деб аталувчи массив пойтахтимизда кейинги йилларда барпо этилган бўлиб, тобора ўзгариб, обод бўлиб бормоқда. Кўп қаватли турар жой бинолари, савдо шохобчалари, маданий-маиший хизмат кўрсатувчи корхоналар, кинотеатрлар, устахоналар ишлаб турибди бу ерда.

Шу кунларда массивдаги агитпункт коллективи маҳаллий Советлар сайлови олдидан тушунтириш ишларини кучайтириб юбордилар.

158-мактаб биносига жойлашган 33-агитпунктда иш айниқса намунали ташкил этилган. Бу соҳада 154-мактаб коллективи катта хизмат қилмоқда. Агитаторлар ўзларига бириктирилган хонадонларда мунтазам равишда қизиқарли суҳбатлар ўтказадилар, сайловчиларни қизиқтирган саволларига жавоб берадилар. Адабиёт ўқитувчиси Зуҳриддин Саримсоқов, биология ўқитувчиси Мавлон Хожибоев, арифметика ўқитувчиси Нафиса Азизова ўртоқлар Совет сайлов системаси ҳақида тушунтиришлар ўтказмоқдалар.

Яқинда сайловчилар учун 175-мактаб ҳаваскорлик тўгараги қатнашчилари иштирокида концерт қўйиб берилди.

И. РУСТАМОВ.

ПЕДАГОГИКА БИЛИМЛАРИ ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТИДА

Кенг, ёруғ зал кишилар билан тўла. Улар Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида жамоатчилик асосида ташкил этилган педагогика билимлари халқ университетининг навбатдаги машғулотига тўпланишган.

Ҳамма қунт билан лекция тингларди. Лектор Ф. М. Прудникова «Ўқувчиларни эстетик жиҳатдан тарбиялашда марксча-ленинча эстетиканинг роли» ҳақида гапирар экан, эстетик тарбиянинг таъсирчанлиги тўғрисида батафсил тўхталди. Лектор бу ҳақда конкрет мисоллар ҳам келтирди.

Лекция тугагач, савол-жавоб бўлди. Машғулот охирида эса бадиий фильм намойиш қилинди.

— Машғулотларимизда фақат лекциялар ўқилмайди, — дейди университет ректори Е. Борисова. — Машғулотдан кейин ҳар сафар қизиқарли фильмлар кўрсатиб турамиз.

Университет ишига педагоглар жамоатчилик йўли билан яқиндан ёрдам бермоқдалар. Тингловчилар билимга чанқоқ кишилар. Шунинг учун уларнинг истак ва талабларини ҳисобга олиб, халқаро темаларда суҳбатлар ҳам ўтказиб турамиз.

Педагогика билимлари университети 1963—1964 ўқув йилида ташкил этилган. Ўтган йили ўни 82 киши тамомлади. Бу йил эса тўртта факультет ташкил этилди. Натижада тингловчилар сони 200 кишига етди. Тингловчиларнинг кўпчилиги ўқитувчи, тарбиячи ва турли касб эгаларидирлар.

Университетнинг бу йилги режалари катта. Тингловчилар ҳозир «Макаренконинг педагогик фаолияти» деган темада конференция ўтказишга тайёргарлик кўрмоқдалар.

А. НОРМЕТОВА,
ТошДУ студентиласи.

Пойтахтнинг Чилонзор районидаги 24-поликлиника аҳолига яхши медицина хизмати кўрсатмоқда. Бу ерда ишлаётган врачларнинг аксарияти кўп йиллик меҳнат стажига эга. Шаҳар Советининг депутати ўртоқ С. Ҳақназарова ҳам ўзининг ишчанлиги билан коллектив ҳурматини қозонди. Сиз юқоридаги суратда врач С. Ҳақназаровани иш устида кўриб турибсиз.

Пастдаги сурат Оржоникидзе районидаги 30-болалар яслабоқчасидан олинган. Тарбиячи Ҳабиба Душанова кичкинтойлар билан қизиқарли машғулот ўтказмоқда.

Ш. Амиров фотолари.

Тошкентдаги 59-мактаб ўқитувчилари маҳаллаларда маҳаллий Советларга сайлов олдидан агитация-пропаганда ишларини олиб боришда актив иштирок этмоқдалар. 13 коммунист, 30 дан ортиқ комсомод аъзоси агитаторлик қилмоқда. Суратда: ўқитувчи Гулчеҳра Акбарова сайловчилар билан суҳбат ўтказаётир.

И. Қўчқоровнов фотоси.

СОВЕТЛАР ЯНГИ ВАЗИФАЛАР ОЛДИДА

Э. ШАЙХОВ

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг раиси

КПСС Марказий Комитетининг октябрь ва ноябрь Пленумлари, партиямиз XX—XXII съездлари белгилаган ленинча йўлни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу Пленумлар коллектив раҳбарлик, Ленин васиятларига садоқат руҳи билан суғорилгандир.

Ягона совет органларини яна тиклаш ҳақидаги қарор катта аҳамиятга эга. Бу қарор Советларнинг ҳуқуқини кенгайтиради, уларнинг обрўсини кўтаради, саноат ва қишлоқ хўжалигининг алоқасини тағин ҳам мустаҳкамлашда кенг имкониятлар вужудга келтиради.

Бутун совет халқи қатори Тошкент областининг меҳнаткашлари ҳам партиямиз Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорини қизғин қўллаб-қувватлаб, эўр ташаббус ва ғайрат кўрсатган ҳолда коммунистик қурилиш программасини амалга ошириш учун баракали меҳнат қилмоқдалар.

Яқинда бўлиб ўтган область советининг VIII сессиясида областимизнинг 1965 йилги маҳаллий бюджети белгиланди ва 1963 йилги бюджетнинг ижроси муҳокама қилинди. Шу билан бирга область меҳнаткашлари олдида турган вазифалар нималардан иборат эканлиги айтиб ўтилди. 1965 йилда саноат ва қишлоқ хўжалигида янгидан-янги ютуқларга эришиш режалари белгиланди.

Сессия партиямизнинг Советлар ишини янада яхшилаш тўғрисидаги кўрсатмаларини изчиллик билан амалга ошириш — бугунги кундаги муҳим вазифа эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

1964 йил халқ хўжалиги планларининг бажарилиш якунлари областимиз меҳнаткашларининг ижодий ва меҳнат активлиги тобора ўсиб бораётганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Область саноат корхоналарининг коллективлари Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 40 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани қизитиб, катта ютуқларни қўлга киритдилар. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 104 процент адо этилди.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми бундан аввалги йилдагига қараганда 22 процент, меҳнат унумдорлиги 10 процент ортди.

Капитал қурилиш бўйича анчагина тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили областимиз меҳнаткашларига 162820 квадрат метрдан ортиқроқ уй-жой майдони ҳадя этилди. Шундан 54536 квадрат метри маҳаллий Советлар йўли билан қурилди. Планда белгиланганидан 6600 квадрат метр кўп ҳажмда уй-жой фойдаланишга топширилди.

Етти йилликнинг олтинчи йилида областимиз шаҳар ва қишлоқларида 21 минг ўринли мактаблар қурилди. Мавжуд мактабларни кенгайтириш тадбирлари амалга оширилди.

Ўтган йили областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари эришган ютуқлар ҳам қувончлидир. Асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш бўйича белгиланган план ва социалистик мажбурият адо этилди.

Давлатга пахта сотиш плани мислсиз қисқа муддатда — 46 кунда бажарилди. Она-Ватанга 344,6 минг тонна пахта етказиб берилди. Шунингдек пилла сотиш плани 106,4 процент бажарилди.

Галлакорларимиз қўлга киритган ютуқлари ҳам алоҳида айтиб ўтиш керак. Мамлакат омборларига 5,3 миллион пуд дон тўкилди. План 2,5 марта ошириб бажарилди. Лубкорларимиз давлатга 257 минг тонна каноп пояси сотдилар. Областимизда сабзавот, полиз экинлари, картошка, мева ва узумдан мўл ҳосил етиштирилди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида меҳнатни ташкил этишнинг ғани прогрессив формаси — комплекс механизациялашган звенолар ўзини оқлади. 1964 йилда областимизнинг пахтакор колхоз ва совхозларида 2926 та механизациялашган звено ишлади. Шундан 563 таси нарядсиз иш олиб борди.

Сўнгги йилларда аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш соҳасида анча иш қилинди. Бунда давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг ҳам хизмати кўп. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари қурилишига йил сайин кўплаб маблағ ажратилмоқда. Маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари, ателеслар, «Химчистка» фабрикалари, ҳаммомлар, кир ювиш хоналари, сартарошхоналар, пойафзал, кийим-кечак, уй-рўзғор буюмларини ремонт қиладиган устахоналар тармоғи кенгаймоқда. Бекобод, Оҳангарон, Красногорск ва Янгиободда маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари фойдаланишга топширилди. Чирчиқ ва Оҳангаронда янги «Химчистка» фабрикалари ишга тушди.

Маҳаллий Советлар шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштиришга эътиборни кучайтирмоқдалар. Фақатгина ўтган йили 500 минг квадрат метр йўл асфальтланди ҳамда 313 минг квадрат метр йўлга шағал ётқизилди. 312 та кўприк қурилди ва ремонт қилинди.

Маданият, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги ютуқларимиз ҳам анчагина. Лекин улар ҳали бизни қаноатлантирмайди. Эришилган муваффақиятлар билан кифоялана олмаймиз.

Партия белгилаб берган катта ва масъулиятли вазифаларни бажариш учун маҳаллий Советлар ҳали жуда кўп иш қилишлари керак. Советлар халқ хўжалигини ривожлантириш давлат плани топшириқларини бажариш учун бутун куч, имкониятларини сафарбар этишга даъват қилинганлар. Улар хўжалик ва маданий қурилишдаги етилган масалаларни ҳал этишда кўпроқ ташаббус ва изчиллик кўрсатишлари зарур.

Ҳеч кимга сир эмаски, баъзан маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг раҳбарлари саноат корхоналари, қурилиш ва колхозларнинг белгиланган планни қандай бажараётганликлари билан яқиндан қизиқмайдилар. Уларнинг ишини турли справкалар, маълумот ва докладларда қайд қилиб ўтадилар, холос.

Областимизда қолоқ корхона ва колхозлар йўқ эмас. Ўтган йили 15 корхона давлат планини бажармади, 2014 минг сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарди. Улар орасида кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ҳам бор.

Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари капитал қурилиш ва шу мақсадлар учун ажратилган маблағларни ўзлаштириш планининг бажарилишини таъминладилар. Бироқ халқ хўжалиги кенгаши, республика министрликлари ва ведомстволарига қарашли корхоналар ва ташкилотларда капитал маблағларни ўзлаштириш қониқарсиз аҳволда.

Айрим корхоналар ва қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари айби билан 1964 йилда 3,1 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилмай қолди. Каттагина ҳажмдаги уй-жой майдони фойдаланишга топширилмади.

Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари шаҳар ва қишлоқларда ниманки қурилаётган бўлса, ҳаммасини, айниқса уй-жой, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, коммунал, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва бошқа объектлар қурилишини кундалик назорат остига олишлари зарур. Шу билан бирга Советлар қурилиш ташкилотларининг иши билан чуқурроқ шуғулланишлари, улар қайси бошқармага бўйсунишидан қатъий назар, яқиндан ёрдам беришлари лозим.

Бу йил маҳаллий Советлар бўйича ажратиладиган капитал маблағ ҳажми 7715 минг сўмни ташкил этади. Шундан 6035 минг сўми ёки 89,8 проценти уй-жой, мактаб ва даволаш муассасалари қурилишига сарфланади.

Ажратилган капитал маблағларни тўла ўзлаштириш билан бирга қурилиш ишлари сифатини яхшилаш ва уй-жой ҳамда бошқа объектларни белгиланган муддатда фойдаланишга топириш тўғрисида ҳозирдан қайғириш зарур.

Қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор бериш керак. Яқин йилларда барча колхоз ва совхозларни илғорлар даражасига етказиб олиш, уларга техник ҳамда моддий ёрдамни кучайтириш бугунги кундаги муҳим вазифалардандир.

Бу йил барча хўжаликларда техника, ер, сув ва минерал ўғитлардан оқилона фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқиш лозим. Механизациялашган звенолар тажрибаларини ҳартомонлама ўрганиш ва меҳнатни ташкил этишнинг бу илғор формасини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида кенг жорий этиш керак.

Бу йил область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдида юксак вазифалар турибди. Етти йилликнинг сўнгги йилида 310 минг тонна пахта, 2287 минг пуд дон, 250 минг тонна луб экинлари пояси, шунингдек бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бизнинг ватанпарварлик бурчимиздир. Ана шу бурчни шараф билан адо этишда маҳаллий Советлар ва уларнинг депутатлари актив қурашчи бўлишлари лозим.

Маҳаллий Советларнинг асосий вазифаларидан бири бундан буён ҳам аҳоли маишати тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилишдан иборат. Кишиларга маиший хизмат кўрсатишнинг ҳозирги даражаси замон талабларидан орқада қолмоқда. Хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилашга кам эътибор берилаётир. Баъзан харидорларга эътиборсизлик билан муомалада бўлиш, қўполлик қилиш, уларнинг заказларини кўнгилдагидек бажармаслик ҳоллари кўп содир бўлмоқда.

Айниқса қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш даражаси хали паст. Энг оддий устахоналар, кийим-кечак ва пойафзалларни ремонт қиладиган пунктлар, ҳаммомлар, сартарошхоналарга эга бўлмаган қишлоқларимиз ҳам йўқ эмас.

Шу йилнинг ўзидаёқ устахоналар, ателье ва молларни прокатга бериш пунктларини анча кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Маиший хизмат кўрсатиш ҳажми бу йил ўтган йилгидан 33 процент ортади.

Йил охирига қадар Оҳангароч, Олмалиқ, Чирчиқ ва Бекободда уч қаватли, Тўйтепа, Бўка, Барраж, Қўйлиқ ва Чиновда икки қаватли маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари қурилиб фойдаланишга топширилади. Шунингдек, область колхоз ва совхозларида ўнлаб устахоналар ва павильонлар ишга туширилади.

Маҳаллий Советларнинг раҳбарлари кишиларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган барча масалаларга совет органлари тўла масъулиятли эканликларини унутмасликлари зарур.

Маҳаллий Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари халқ маорифи, маданият, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот органларининг фаолиятини замона талаблари даражасига кўтаришлари лозим.

Бу вазифаларнинг амалга оширилиши маҳаллий Советлар ишини ташкилий-оммавий жиҳатдан яхшилаш билан боғлиқ, албатта. Бунинг учун маҳаллий Советларнинг сессияларини мунтазам суратда чақириб туриш ва бу сессияларда Советлар фаолиятини ижтимоий, хўжалик ва маданий турмушда етилган масалаларни ҳал этишга қаратиш ҳамда зарур тадбирлар белгилаш зарур.

Маҳаллий Советларнинг роли ва депутатларнинг активлигини ошириш фақатгина коллектив раҳбарликнинг ленинча принципига риоя қилиш билангина амалга оширилиши мумкин. Советлар туб маъноси билан коллектив онги ва тажрибасини мужассамлантирган коллегиал органдир. Советларда барча масалалар депутатларнинг бевосита иштирокида муҳокама қилинади ва ҳал этилади.

Кўриниб турибдики, совет депутатига катта ишонч билдирилган, унга катта ҳуқуқлар берилган. Депутатлар ўз сайловчиларининг иродаси ва наказини бажарар эканлар, Советлар аппаратидаги ҳар қандай бюрократлик ва сансоларлик кўринишларига қарши актив кураш олиб боришлари, меҳнаткашларнинг талаблари ва эҳтиёжларига сезгир муносабатда бўлишлари зарур.

Совет демократияси тараққиётининг ҳозирги босқичида кенг халқ оммаси ижодкорлиги учун катта имкониятлар мавжуд. Коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган ҳозирги даврда давлат аппаратидаги бутун звеноларнинг ишида жамоатчилик асослари кенг қанот ёймоқда, ихтиёрий ташкилотлар кўплаб тузилмоқда. Ҳозир Тошкент областида 5037 та турли хил жамоат ташкилотлари ишида 55 мингдан ортиқ киши иштирок этмоқда.

Район ва шаҳар Советлари ижроия комитетлари ҳузурида 46 та штатсиз бўлим тузилган, 357 штатсиз инструктор ва инспектор уларга бирлашган.

Халқ судлари ва халқ дружиналари, хотин-қизлар Советлари, мактабда ота-оналар комитети ва бошқа ташкилотлар ўзларининг ҳар бир ишга қодир эканликларини кўрсатдилар. Маҳаллий Советлар фаолиятида бундан буён ҳам жамоатчилик асосларини ривожлантириш, у ёки бу шаҳар, район Советларининг шу соҳадаги тажрибаларини кенг оммалаштириш зарур.

Ҳозир маҳаллий Советлар сайловларига тайёргарлик қизиб кетди. 14 мартдаги бўлажак сайловлар ҳаётимизда катта сиёсий воқеадир. Бўлажак сайловлар маҳаллий Советларни янги кучлар билан тўлдиради, маҳаллий Советлар органларини мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади.

Маҳаллий Советларга депутатликка номзодлар кўрсатиш пайтида номзодларнинг шахсий ва ишчанлик фазилатлари йиғилишларда, шунингдек матбуотда кенг ҳамда ҳар томонлама муҳокама этилиши зарур. Шундай қилинганда биз энг муносиб ва кўпчилик эътиборига сазовор кишилари — саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият илғорларини халқ хизматкорлигига сайлаган бўламиз.

Партия Советлар олдига коммунизм қурилишининг ҳамма соҳаларида активлик кўрсатишдек жуда масъулиятли вазифалар қўймоқда. Бу вазифалар коммунизм моддий-техника базасини яратиш, совет кишиларининг турмуш даражасини ошириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиш, аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларини кенгайтириш, ҳаётимиз келтириб чиқараётган кундалик масалаларни амалий жиҳатдан ҳал этишдан иборатдир. Тошкент область маҳаллий Советлари бу вазифаларни тўла ва шараф билан адо этиш учун барча куч ҳамда имкониятларини сафарбар этадилар.

ДЎСТЛАР МАСЛАҲАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XIII ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

Кейинги пайтларда Янгийўл районида аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасида бир мунча дуруст ишлар амалга оширилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида район колхоз ва совхозларида 280 типовой уй, 42 дала шийпони, икки ҳаммом қурилиб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 6 та артезиан қудуғи кавланди. Навоий номли, Энгельс номли, Собир Раҳимов номли, Калинин номли ва «Ленинград» колхозларида янги кутубхоналар ишга туширилди. Эски Тошкент қишлоғида маданият уйи қад кўтарди.

Аҳолига медицина хизматини яхшилаш соҳасида ҳам анчагина ютуқларга эришилди. Собир Раҳимов номли колхозда 15 ўринли, Чиноз посёлкасида 100 ўринли шифохона қуриб битказилди.

— Булар кишини қувонтиради, — дейишди яқинда районда ўзаро текшириш ўтказган сурхондарёликлар. — Бизга айниқса Охунбобоев номли колхозда меҳнаткашлар тўғрисида қилинаётган ғамхўрликлар маъқул бўлди. Колхозда яқинда ҳаммом, чойхона, кутубхона бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилибди. Шунингдек, Ленин номли, «Қизил октябрь» колхозларидаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишларидан ҳам анча хурсанд бўлдик.

Меҳмонлар мавжуд ютуқлар билан бир қаторда аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ҳали анчагина камчиликлар мавжудлигини алоҳида таъкидладилар. Жумладан, Чиноздаги ҳаммом кишиларнинг ҳозирги талабига жавоб бермаяпти. Қозонлари тез-тез ишдан чиқиб туради. Бинонинг ўзи бир йил давомида ақалли жорий ремонт ҳам қилинмаган, деворлари нураб ётибди. Ленин район коммунал хўжалик бўлими раҳбарлари бу аҳволни тезроқ тузатиш тўғрисида етарли бош қотирмаётирлар, Шунингдек, қишлоқ ва посёлкаларни ободонлаштириш ҳам кўнгилдагидек эмас.

«Шарқ юлдузи» колхозининг маданият саройида олиб борилаётган ишлар сурхондарёликларни хурсанд қилди. У ҳархил шиорлар, плакатлар, колхоз ҳаётига доир стендлар ва фото-витриналар билан чиройли безатилган. Тўгараклар ҳам мунтазам ишлаб турибди. Ленин номли колхозда ҳам янги маданият саройи қад кўтарляпти.

Ленин, Киров номли колхоз клуби иши меҳмонларни қаноатлантирмади. Бу ерда бадиий ҳаваскорлик тўгарагидан бошқа бирорта тўгарак йўқ. Кутубхона иши ҳам кишини хурсанд қилмайди.

— Кутубхоналар ишини яхшилашда, — дейишди сурхондарёликлар, — эски Тошкент қишлоғидаги марказий кутубхонадан анча нарсани ўрганса бўлади. Кутубхона ходимлари ҳарбир оилада китобхон бўлишига эришиш учун барча тадбирларни амалга оширмоқдалар. Ўтган йили бу ерда китобхонлар сони икки ҳисса ўсган.

Барча кутубхоналарда ҳам иш аниқ шундай ташкил этилган эмас. Жумладан Ленин номли колхозда китоб фондига ончалик бой бўлмаган бинотагина кутубхона бор, аммо у яхши ишламаётир. Чиноздаги марказий кутубхонада ҳам аҳвол анча ташвишли. Айниқса бу ерда китоб пропагандаси билан етарли шуғулланилмаяпти. Ачинарлиси шуки, кутубхона январь ойи ичида ўзи обуна бўлган газета ва журналларни ҳам ололгани йўқ. Бу ҳолдан район маданият бўлими (мудири ўртоқ Т. Умурзоқов) хабардор бўлса ҳам, камчиликнинг олдини олиш тўғрисида ўз вақтида қайғирмаган.

Сурхондарёликлар Янгийўлда аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш соҳасида ҳали талайгина ишларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлаш билан бирга аниқланган камчиликларни тезроқ бартараф этиш тўғрисида қимматли фикрлар билдирдилар.

З. КУРТНЕЗИРОВ.

МЕХАНИЗАЦИЯГА СУЯНГАН ЮТАДИ

Халқ хўжалигининг барча соҳаларидаги каби пахтачиликда ҳам деҳқонларимизга оламолам қувонч келтирган 1964 хўжалик йилини сарҳисоб қилар эканмиз, жуда катта ишларни амалга оширганлигимиздан бениҳоя фахрланаяпмиз. Чунки, йилнинг тўрт фаслида қилинган баракали меҳнат етиштирилган маҳсулотларимиз аксида ўз ифодасини топиб турипти. Деҳқонларимиз, айниқса ўзбек пахта усталари ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам табиатдан ҳайр-эҳсон кутиб турмасдан, мўл ҳосил етиштиришга қодир эканликларини яна бир марта амалда исботладилар. Дарвоқе, бу муваффақиятларимизнинг мазмуни тоғтоғ «оқ олтин» хирмонлари билан ўлчаняпти.

Бизнинг колхоз ҳақида республикамизда, ҳатто Иттифоқимизда эшитмаган, унинг муваффақиятларидан мамнун бўлмаган киши топилмас дейман. Чунки, пахтачиликни комплекс механизациялаштириш, илғор агротехника усулларидан кенг фойдаланиш бизнинг колхозда биринчилар қаторида амалга оширилган. Колхозимиз бир неча йиллардан буён Тошкент областида, республикамизда машъал бўлиб порлаб турипти. Биз бу шон-шуҳратга пешона тери тўкиб қилган меҳнатимиз ва шу меҳнатнинг ажойиб самаралари туфайли сазовор бўлмоқдамиз.

Ўтган йилги ютуқларни тилга олмасдан, уларни дўстларимиз билан баҳам кўрмасдан иложимиз йўқ. **Колхозимиз аъзолари 1658 гектар майдонга чигит экиб, пахтадан юқори ҳосил етиштирдилар. Асосий майдонларнинг ҳар гектари ҳисобига 31,4 центнердан «оқ олтин» кўтарилди. Пахта етиштириш билан боғлиқ бўлган ишлар комплекс механизациялаштирилди. Меҳнат харажатларини кам сарфлаган ҳолда ана шундай мўл ҳосил етиштиришга эришдик.**

Мен бригадамиз аъзолари қўлга киритган ютуқлар, ўтган йилнинг сарҳисоблари ҳақида батафсил тўхталиб ўтмоқчиман. Бригадамизга 105 гектар ер ажратиб беришган. 35 киши шу майдонда пахта етиштирамиз. Ўтган йили механизацияга катта эътибор бердик. Ери аввалги йилнинг кузида шудгорлашдан бошлаб, чигит экишгача, ғўза парваришидан бошлаб, ҳосил йиғим-терими-ю, ғўзапоями юлишгача бўлган барча иш жараёнларини забардаст техниканинг елкасига юкладик. Механизаторларимиз Ибрай Тошбоев ва Ибрай Юсупов ўртоқлар ўз тақдирларини дала билан, «оқ олтин» билан чамбарчас боғлаган ҳолда меҳнат қилдилар. Улар йилнинг тўрт фаслида хам об-ҳавонинг қийинчиликларини писанд қилмай баракали ишладилар, шудгорлашни вақтида сифатли ўтказдилар.

Биз экин майдонларини шудгорлашни ҳар йили ҳам барвақт тамомлашга одатланиб қолганмиз. Механизаторларимиз бу ишни бажонидил бажаришади. Шудгорлаш олдидан экин майдонларининг ҳар гектарига 350 килограммдан суперфосфат соламиз. Гектар бошига 8 тоннадан маҳаллий ўғит соламиз. Шундан кейин пол олиб, ерларни яхобга қондирамиз. Яхоб сувини қиш чилласида берамиз. Шундай қилиб, экин майдонларимиз бутун қиш бўйи яхобдан ва ёғингарчиликлардан бақраманд бўлиб ётади. Биз қиш фаслида асосан далага ғўнг чиқариб, компост тайёрлаш, суғориш шохобчаларини тозалаш ҳамда янгиларини қазиш ишлари билан шуғулланамиз. Бундан ташқари бригада аъзолари билан агротехникага оид суҳбатлар ўтказамиз, агротехника ўқувига қатнашамиз. Тракторлар ремонтини кузатиб борамиз ва бу ишга ўзимиз бевосита қатнашамиз. Ҳар йили ҳам тракторларни кўкламги экиш кампаниясига барвақт шай қилиб қўямиз. Бу бизга экишткиш ишларини беками-кўст бошлаб юбориш учун катта қулайлик туғдиради.

ПАХТА УСТАЛАРИ ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Баҳор келиб, кунлар исиб кетиши биланоқ, чигит экишга тайёргарлик кўрамиз. Бундан олдин экин майдонларини бир сидра кўздан кечириб чиқамиз. Лозим топилган майдонларни чизиллаб, бороналаймиз. Унгача ерлар текислаб қўйилган бўлади. Ниҳоят, чигит экишни узоғи билан уч-тўрт кунда ўтказамиз. Имконияти борича, чигитни ернинг табиий намида ундириб олиш чорасини кўрамиз.

Аввалги йиллардаги каби ўтган йили ҳам 105 гектар майдондаги ғўзамизни уч марта кўндалангига ва узунасига культивация қилдик, уч марта суғордик. Культивация, озиқлантириш, суғориш каби агротехника тадбирлари ўз муддатида, бир-бирига чамбарчас боғланган ҳолда олиб борилди. **Озиқлантириш даврида гектарига 450 килограммдан минерал ўғит бердик. Айниқса минерал ўғитнинг маҳаллий ўғитга аралаштириб берилиши, ўз муддатида ғўзалар талабига қараб «шарбат» оқизилиши ҳар туп ғўзанинг бақувват ва серҳосил бўлиб ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.**

Ўтган йили июль ойининг қоқ ўрталарида ҳаво жуда исиб, ғўзалар сув талаб бўлиб қолди. Агар қисқа муддат ичида суғориб олинмаса, бир неча гектар майдондаги ғўзамизнинг сўлиб қолиш хавфи туғилди. Биз суғоришни кечаю-кундуз, сира тўхтатмай ўтказишга қарор қилдик. Айниқса Хатиб Сейпалов ҳамда Эшмурод Умаров каби сувчиларимиз катта жасорат кўрсатдилар. Менинг ўзим уларга шерик бўлдим. Сувдан тежабтергаб фойдаланиб, чанқоқ ғўзаларимизни уч-тўрт кун ичида сувга қондирдик. Натижада бундай ғўзалар бирдан қаддини ростлаб олди ва барқ уриб ўсабошлади. Ҳамма майдонлардаги ғўза тупларини бир текис серҳосил қилиб олдик.

Ўтган йилги йиғим-теримни бир мунча барвақт бошладик. Йил бошида 176 тонна ҳосилни машинада териб олишни планлаштирган эдик. «Зангори кема» капитанлари Ибрай Тошбоев билан Ибрай Юсупов ўртоқлар бу озлик қилади, дейишди. Машина теримига қўшимча майдоя ажратдик. Ўқарилларни, машина айланадиган жойларни текислаб, Машиналарнинг эгатларароғ эркин сузиб юриши учун имконият яратилди. Пахтаси машиналарда терилиши лозим бўлган участкаларни сифатли дефолиация қилдик. Бунинг натижасида ана шу майдонлардаги ғўзаларнинг барги тез тўкилди ва пахта машинабоп бўлиб оппоқ очилиб қолди. Иккала механизаторимиз ҳам бир кунда теримга тушди. Йиғим-терим даврида улар вақт билан ҳисоблашмадилар, ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилдилар. Биз ҳам уларга етарли шарт-шароит яратиб бердик.

Механизаторларимизнинг далада ётиб ишлашлари, кўп пахта териб колхозда рекорд кўйганликлари туфайли етиштирилган мўл хосилни жадал суръатлар билан йиғиб-териб олиб давлатга топширдик. **Машиналарда 176 эмас, 250,9 тонна «оқ олтин» терилди. Бу соҳадаги план анча эртиғи билан адо этилди. Шундан сўнг механизаторларимиз бошқа бригадаларга ҳам ўтиб пахта тердилар ва мавсум топширигини ошириб бажардилар.**

Ҳосилнинг қолган қисмини, яъни машина юролмайдиган жойлардаги пахтани қўлда териб топширдик. Шундай қилиб, 105 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34,3 центнер «оқ олтин» кўтардик.

Бу муваффақиятларга эришувимизнинг асосий сабабларидан бири шундаки, биз колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга алоҳида эътибор бердик. Бригада аъзоларининг ҳар бири бажарган ишининг миқдори ва сифатига қараб ҳақ олди. Уларга ҳар ўн кунда аванс тариқасида пул бериб борилди. Бу эса колхозчиларимизнинг меҳнатга бўлган муҳаббатини уйғотиб юборди. Йиғим-терим жадаллашди, ҳосилнинг сўнгги граммигача териб олишда ҳамма бир тан бир жон бўлиб қатнашди.

Бригадамизнинг йиллик даромади 129 минг 991 сўмни ташкил этди. Пландан ташқари 24.411 сўм соф фойда олдик. Ишлаб чиқариш планига кўра ана шу фойданинг 75 процентини бригада аъзоларига қўшимча ҳақ сифатида тақсимлаб берамиз. Бу жуда яхши ва самарали сарҳисобдир. Демак, йил бўйи қилган фидокорона меҳнатимиз зое кетмапти. У турмушимизнинг яхшиланишига, пиру-бадавлат бўлишимизга замин яратибди.

Бригадамиз аъзолари ғайрат билан меҳнат қилиб бу йил ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштиришга бел боғлаганлар. **Ҳозирги ишларимиз гектаридан 40 центнерга етказиб «оқ олтин» кўтаришга қаратилган.** Бунинг учун баҳорда чигит экилиши лозим бўлган ерларнинг ҳаммаси аллақачон сифатли шудгорлаб қўйилган. Ҳайдаш олдидан ерлар маҳаллий ва минерал ўғитларга қондирилган. Шу кеча-кундузда далага ғўнг чиқариб, компост тайёрлаяпмиз, суғориш шохобчаларини тартибга келтиряпмиз. Тракторларимиз кўкламги экиш кампаниясига шай бўлиб турипшти. Етти йиллигининг сўнгги, ҳал қилувчи йилини ҳам ажойиб меҳнат муваффақиятлари билан якунлаш учун ғайрат камарини тағин ҳам маҳкам боғлаб ишлаяпмиз.

Холмат БОЙИГИТОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозининг бригада бошлиғи, республикада хизмат кўрсатган пахтакор.

РЕМОНТ ЖАДАЛ

«Тошкент» совхозининг механизаторлари техника ремонтини тезлаштириб юборишди. Бу ерда ҳар бир иш сифатли бажарилмоқда. Совхоздаги 71 чопиқ тракторидан 50 таси муддатидан илгари ремонт қилиб бўлинди. Қишлоқ хўжалик асбобларини ремонт қилиш ҳам жадал суръатлар билан олиб бориляпти. Ремонтчилар техникани яқин кунлар ичида батамом ремонтдан чиқариш мажбуриятини олишди. Бу ишда Х. Ашуров, Ф. Шамсиев, К. Аҳмедов, К. Эргашев сингари ишчан механизаторлар бошқаларга ўрнак бўлишяпти.

А. ТУРҒУНОВ.
Калинин районы.

200 ТОННА КОМПОСТ

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, республикада хизмат кўрсатган механизатор Турсуной Раимова бошлиқ комплекс механизациялашган бригаданинг аъзолари кўкламга пухта хозирлик кўрмоқдалар. Айниқса, далага маҳаллий ўғит чиқариш яхши боряпти. Бригада аъзолари шу кунга қадар 155 гектар ерга 300 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит ташиб чиқариб, 200 тоннага яқин компост тайёрлаб қўйишди. Пахтакорлар бу йил ҳар гектар ердан 40 центнердан хирмон кўтарамиз, дейишмоқда.

Ҳ. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.
Чиноз. Охунбобоев номли колхоз.

ЯНГИ КИТОБЛАР

«Тошкент» бадиий адабиёт нашриёти қўйидаги китобларни босиб чиқарди.

Оноре БАЛЬЗАК. Евгения Гранде. Роман. Бу роман Гранде образида ўз манфаатларини ҳар нарсадан устун қўювчи ва бу йўлда ҳеч нарсадан қайтмайдиган француз миллий буржуасининг тамагирлик — манфаатпарастлик хусусиятларини жуда мароқли қилиб талқин этади. 212 бет, тиражи 10.000, баҳоси 72 тийин.

Ориф ИКРОМОВ. Амин Умарий. Адабий портрет. Бу китобчада халққа танилган марҳум шоир Амин Умарийнинг ижодий йўли, поэтикаси ҳақида гап боради. Автор талантли шоир ижодининг характерини гоят муҳим моментларига китобхонлар диққатини жалб қилишга интилган. 44 бет, тиражи 4.000, баҳоси 8 тийин.

Суннатилло АНОРБОЕВ. Меҳр. Анорбоевнинг бу повестида ёшлигида ота-она меҳрига зор бўлган ўзбек қизи Мунавварнинг босиб ўтган машаққатли ва шарафли ҳаёт йўли ҳикоя қилинади. Асар қаҳрамони Мунаввар хотин киши қисмати нималигини ўз бошидан ўтказган, шунинг учун ҳам у бутун меҳр-муҳаббати, билимини ўзига ўхшаган аёлларга бағишлайди. 192 бет, тиражи 15.000, баҳоси 35 тийин.

МОҲИР ЧЎПОН

Мирзабек ота Сувоновни «Правда газетасининг 50 йиллиги» совхозида билмаган одам йўқ. Мирзабек ота 71 баҳорни кўрган бўлсада, ҳали ҳам бақувват, йигитлардек тетик, бардам. Киши меҳнатда бахт топади дейишади. Кенса ҳам ўз меҳнатидан, узоқ йиллик чўпонлик касбидан бахт топди. Унинг номи эндилиқда бутун совхозга маълум. Ҳа, меҳнат кишини элга танитаркан.

Кенса чўпон ўтган йили боқимидаги 470 бош совлиқни қишнинг аёзли кунларидан соғлом ва семиз олиб чиқиб, ҳар юз бош қўйдан 105 тадан қўзи олди. Ҳар бир қўйдан уч килограммга етказиб аъло навли жун қирқиб олиб совхоз жун қирқиш планининг ошириб бажарилишига ўзининг муносиб хиссасини қўшди. Совхоз Мирзабек отанинг бу баракали меҳнатини муносиб тақдирлади.

Мирзабек ота бу йил ҳам астойдил ғайрат қилмоқда. Совлиқларнинг қишловдан тўқ ва соғлом чиқиши учун қўлидан келганча ҳаракат қилмоқда. Қўра ёнига чорва учун қишга етиб ортадиган миқдорда ширали озуқалар жамғариб қўйилган. Совлиқлар тўйиб озиқланиб яхши семиряпти. Кенса чўпоннинг бу йилги режалари ҳар қачонгидан катта. У мавсумда ҳар юз совлиқдан 110 тадан қўзи олмоқчи. Ҳар бир қўйдан эса уч килограммдан ошириб жун қирқиб топширмоқчи. Ўз касбига меҳр қўйган отахон бу йил ҳам албатта ўз ваъдасининг уддасидан чиқади.

У. СУЛАЙМОНОВ.
Оржоникидзе районы.

Пойтахтдаги асбобсозлик заводи коллективи ўтган йил пландан ташқари бирнеча ўнминг сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарган эди. Завод коллективи бу йил ҳам ана шундай муваффақиятларни қўлга киритиш учун январь ойининг дастлабки кунларидаёқ социалистик мусобақани қизитиб, яхши натижаларга эришаётир. Суратда: корхонанинг биринчи цехида.

С. Сенчило фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

КОЛХОЗЧИЛАР ҚУВОНЧИ

Оқшом. Қишлоқ одатдан ташқари гавжум. Ҳамма Тўрақул Омоновникига қараб кетаяпти. Кенг ҳовли чароғон. Айлантириб қўйилган столларга дастурхонлар ёзилиб, ноз-неъматлар билан безатилган. Дарвоза ёнида қўл қовуштириб турган кишилар кетмакет келиб турган меҳмонларни ҳурмат билан қарши олиб, ичкарига таклиф қилмоқдалар.

Ана, Тўрақулнинг касбдошлари механизатор йигитлар ҳам келиб, тўрдан жой олдилар. Шу пайт ташқарида ғовур-ғувур бошланди. Жонсарак болалар югуриб қолишди. Созандалар «Тўйлар муборак» ашуласини бошлаб юбордилар. Сал ўтмай хотин-халажлар, йигитлар ўртасида келин-куёв кўринди. Ҳамма «қўшақарисин» деб яхши тилаклар тилади...

Шу кеча-кундузда қишлоқда тўй устига тўй бўляпти. Қувончга-қувонч, шодликка-шодлик уланиб кетаяпти. Нега улар қувонмасин, нега яйраб-кулмасин? Ахир «Октябрь 40 йиллиги» колхозидаги одамлар илгари қандай эдилар-у, ҳозир қандай бўлиб қолдилар.

Дарҳақиқат, бу ердаги одамлар ҳозир жуда бошқача бўлиб қолишди. Бу колхозга қанча раислар келиб, қанча раислар бўшаб кетди. Қанча сувлар оқди-қанча йиллар ўтди. Лекин колхозда аввалари ҳозиргидек якдиллик, бирдамлик билан иш олиб борилмаган. Ишлар ўлда-жўлда бўларди. Улар энди «бирлашган ўзар» деган гапга амал қилаётганликлари учун қолоқ хўжалик қадрини ростлаб олаяпти. Ҳозир у ерга борсангиз беихтиёр қувониб кетасиз. Тўйлар муборак, уйлар муборак, ғалабалар муборак, дейсиз.

1960 йилда гектаридан 13 центнердан ҳосил олиб, планни атиги 63 процент бажарган бу колхозда ҳосилдорлик йилдан-йилга кўтарилиб борди. 1964 йилда 22,7 центнердан ҳосил кўтарилиб, план 117 процент қилиб бажарилди.

Колхознинг вайрон бўлиб ётган эски устахонаси ёнида янги устахона қад кўтарибди. Бу ерда колхоз инженерининг кабинети, иккита омбор, машиналар сақланадиган иккита катта бостирма, механизаторлар дам оладиган жой, ошхона, темирчилар, токарлар учун алоҳида хоналар қурилган. Колхозчилар учун қурилган 30 та янги уй қишлоқнинг ҳуснига-ҳуси қўшиб турибди.

Мактаб қурилишига 60 минг сўм сарфланган. Шу пулнинг 40 минг сўмини колхоз тўлаган. Колхозчилар ўз фарзандларининг ўқиб тарбия олишлари учун қилинаётган бу гамхўрликлардан чексиз миннатдор бўлмоқдалар.

— Илгари нега бу ердаги кишилар дуруст ишламас эдилар?

— Гапнинг тўғриси, — дейди колхоз раиси ўртоқ Юнус Тўлаганов, — ҳамма ҳам бола-чақамни боқсам, тарбияласам дейди. Лекин ишлаб дуруст ҳақ ололмаса ишга ҳам тоби бўлмас экан. Шунинг учун биз ҳар қандай қийинчилик бўлса ҳам колхозчиларга тўланадиган махсус ҳисобдаги пулни бошқа эҳтиёж учун сира ишлатмаймиз. Фақат колхозчиларнинг ўзига берамиз. Бундан ташқари колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигига катта эътибор берилаяпти. Хўжалик ҳисобида иш олиб борилаётгани учун ишлаб чиқариш планида белгиланганидан кўп ҳосил олинса, шу ортиқча етиштирилган ҳосилдан келадиган даромаднинг 80 проценти, ишлаб чиқариш харажатларидан иқтисод қилиб қолинган маблағнинг ҳам 80 проценти колхозчиларга берилаяпти. Шунинг учун ҳам улар кўнгил қўйиб, астойдил ишлайдиган бўлиб қолдилар.

Колхозда қўрилган бу хилдаги тадбирлар оз эмас. Механизаторлар бошлиқ звеноларнинг тузилиши ҳосилдорликни оширишда катта ижобий роль ўйнади. Механизаторлар даланинг ҳақиқий хўжайинлари, юқори ҳосил учун курашда етакчи куч бўлиб қолганлар. Ҳозир бу колхознинг аъзолари Мишка Галин, Мажид Қодиров, Қобил Арслонов, Қурбонсаид Султонов сингари механизатор — звено бошлиқларини «Бизнинг машъалларимиз» дейдилар. Чунки улар ўз звеноларида ҳар гектаридан 30—35 центнердан ҳосил кўтардилар.

Ана, колхознинг янги устахонасида бир тўда ёшлар ниманидир қизғин муҳокама қилишаяпти. Баъзан улар ўртада турган тракторнинг айрим қисмларига қўл узатиб, бир-бирларига алланималарни тушунтиришарди. Бири билмаганини иккинчиси кўрсатарди. Улар шунчаки бахслашаётган йигитлар эмас, балки колхозда очилган уч ойлик механизаторлар тайёрлаш мактабининг ўқувчиларидир. Бу мактабга «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан 20 киши, Бўка районининг бошқа колхозларидан 15 киши келиб ўқимоқда.

— Ҳозир колхозда етакчи одамлар механизаторлардир. Бундай етакчи кадрларни ҳозир тайёрламасак, ёзда аттанг деб қолишимиз мумкин. Шунинг учун биз янги механизатор кадрлар тайёрлаш ишини бошлаб юбордик, — дейди колхоз инженери Ваҳоб Маманов.

Шу кунларда бу колхоз аъзолари ўтган йили эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш, янги ғалабаларга эришиш ниятида кўкламга тайёрлик ишларини қизғин давом эттирмоқдалар. Кузги шудгорни районда биринчилар қаторида тамомлаган колхоз аъзолари айни пайтда юқори ҳосил етиштириш учун кўпроқ ўғит тайёрлашга киришдилар. План бўйича 2 минг тонна компост тайёрлаш лозим эди. Ҳозиргача фермада ишловчилар 1300 тонна компост тайёрлаб қўйишди.

Бўкадаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозидаги қувончнинг боиси мана шу. Қолоқ хўжалик ўз қаддини ростлаб олмоқда. Бу хўжаликни илғорлар даражасига етказиб олиш учун аҳил бўлиб ишлаётган одамлар шу хилда ҳаракат қилмоқдалар.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

КУТУБХОНА—МАДАНИЯТ ЎЧОҒИ БЎЛСИН

Кутубхона зали колхозчилар билан гавжум. Ўртадаги катта стол атрофида ўндан ортиқ киши газета ва журналлар ўқиб ўтирибди. «Янги китоблар витринаси» эса бир гуруҳ китобхонларнинг эътиборини ўзига тортган.

— Кўраяпсанми, Расулжон, «Давр менинг тақдиримда» деган китобни ҳам олиб келишибди, — деди Ашир ака дўсти Расулжонга қараб. — Бугун шу китобни албатта олиб кетаман...

— Жуда яхши китоб дейишади, — сўзга аралашди колхозчилардан бири. — Жияним ўқиб чиққан экан, тунов куни ҳикоя қилиб берди.

Китобхонларнинг суҳбатига кутубхона мудири Ойниса опа Шокирова келиб қўшилди.

— Уч-тўрт кундан кейин яна янги китоблар оламиз, — деди у. — Уша китоблардан энг яхшиларини ана шу витринага қўямиз.

Ҳа, бу кутубхонадан китобхон аримайди. Ўртоқ О. Шокирова уларни қизиқтираётган адабиётларни топиб бермагунча кўнгли жойига тушмайди. Бирор янги китоб босилиб чиққан бўлса, уни кутубхонага тезда олиб келишга ҳаракат қилади.

Чиндан ҳам Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози кутубхонасининг намунали ишини бутун хўжалик билади. Ҳозир кутубхонага юздан ортиқ колхозчи аъзо. Кутубхонанинг китоб фонди эса йилдан-йилга бойимоқда.

Бу ерда ўтказилаётган китобхонлар конференциясига келсангиз, қизғин мунозаранинг устидан чиқасиз. «Ўзбек адабиёти кутубхонаси» сериясидан бўлиб ўтган конференциялар Ойбек, Ғафур Ғулом, Уйғун каби атоқли ёзувчилар ижодига бағишланди.

Колхоз кутубхонасининг қишлоқ меҳнаткашларига манзур бўлаётганлигига сабаб нима?

— Бу ҳақда нима ҳам дейишим мумкин, — дейди кутубхона мудири О. Шокирова. — Китобхонлар ўртасида мумкин қадар кўпроқ ишлашга ҳаракат қиляпмиз. Ўз ишингга сидқидилдан киришсанг, натижаси чакки бўлмайди. Ўзингиз биласиз, қишлоқ кутубхонаси, бир томондан маърифат ўчоғи бўлса, иккинчидан маданий оқартув даргоҳи ҳисобланади. Қиламан деса иш кўп. Колхоз партия ташкилоти бизга яқиндан ёрдам беради. Бу ҳамкорлик туфайли планда белгиланган ҳамма тадбирлар ўз вақтида амалга оширилянти.

Районда иш фаолиятини ана шундай намунали йўлга қўйган кутубхоналар анчагина. Тўйтепа посёлкасида жойлашган район болалар кутубхонаси коммунистик тарбия даргоҳига айланган. У ҳозир район мактаблари кутубхоналари учун методик марказ бўлиб қолди. «Коммунизм», «Партия XXII съезди» каби колхоз кутубхоналари ҳам ҳозирги кунда ўз активлари билан хилма-хил ва чуқур мазмунли иш олиб бормоқда.

Гап Бектемирдаги район кутубхонаси ва унинг жойлардаги тармоқлари ҳақида борянти. Бу маърифат ўчоғи хизмат кўрсатадиган зонада 8 та қишлоқ, 7 та колхоз кутубхонаси бор.

Хўш, бу жойларда иш қандай ташкил этилган?

Аввало, китобхонлар ўртасида қониқарсиз иш олиб борилаётганлигини айтиб ўтиш лозим. Мана бу рақамларга эътибор қилинг-а! Ўтган бир йил давомида бор-йўғи саккиз марта китоб кўргазмаси ташкил этилган. Йил бошида фақат бир мартагина китобхонлар конференцияси ўтказилган. Библиографик обзорлар уч марта ўқилган-у, шу билан бу ишга ҳам чек қўйилган.

Табиий-илмий ва қишлоқ хўжалигига оид адабиётлар пропагандаси билан кам қизиқилади. Кейинги 11 ой ичида қишлоқ хўжалигига доир адабиётлардан 365 тасигина китобхонлар томонидан олиб ўқилди. Ваҳоланки, район кутубхонасининг 1040 аъзоси бор.

Бу ерда методик ишлар билан деярлик ҳеч ким шуғулланмайди. Методик бурчаклар ташкил этилмаган. Қишлоқ кутубхоналарига вақти-вақти билан методик кўргазмалар бериб борилмайди.

Ана шундай эътиборсизлик натижасида, ҳатто айрим кутубхоналар бекилиб қолди. Бинолар етишмаслиги, кутубхоначи кадрлар билан ўз вақтида таъминланмагани туфайли Калинин номли, Ленин, Охунбобоев номли ва Свердлов номли колхозлар кутубхоналари ишламай қўйди. Бу кутубхоналарда ҳозир турли фойдали адабиётлар тартибсиз ҳолда чанг босиб ётибди.

Дарҳақиқат, Ўрта Чирчиқ районидаги қўпчилик кутубхоналарда аҳвол ёмон. Аммо, район кутубхоналари мудирларининг бу ҳолни кўра-била туриб индамай келаётганликлари кишини ажаблантиради. Афтидан, улар маданий-оқартув ишларини ҳар томонлама ривожлантириш учун кутубхоналарнинг моддий базасини мустаҳкамлаш зарур эканлигини унутиб қўйишаётганга ўхшайди.

Жойларда «Кутубхона ремонт талаб бўлиб ётибди», «Зарур инвентарлар ва бошқа жиҳозлар етишмаяпти» деб нолишади. Ана шу эҳтиёжлар учун ажратилган маблағлар эса айрим ношуд раҳбарлар бепарволиги туфайли ўзлаштирилмай қолиб кетяпти. Район маданият ўчоқларини капитал ремонт қилиш учун ўтган йили 6 минг сўм ажратилди. Лекин, бу маблағнинг фақат 700 сўмигина ўзлаштирилди. холос. Инвентарлар сотиб олиш учун ажратилган 2500 сўмдан 600 сўми фойдаланилмай қолиб кетди. Бу қишлоқ маданиятини юксалтиришдан муҳим вазифага совуққонлик билан қараш оқибати эмасми?!

Кутубхоналардаги ишлар савияси асосан кадрларга боғлиқ. Районда бу муҳим масалага ҳам етарли аҳамият берилмайди. Ҳозир кўпчилик кутубхона мудирлари ўрта ва олий маълумотли кишилар эмас. Чунончи, Инқилоб қишлоқ Советига қарашли кутубхона мудири ўртоқ Улугова, Қоратой қишлоқ Советидаги клуб мудири ўртоқ Турдналиевлар 7-синф маълумотига эга.

Бектемирдаги район кутубхонаси (мудири М. Сулаймонов) кадрлар малакасини ошириш иши билан қизиқмай қўйди. Ўтган бир йил ичида кутубхоначиларнинг фақат уч марта семинар машғулоти ўтказилганлиги фикримизнинг далилидир. Ваҳоланки, бундай семинарлар ҳар ойда бир марта бўлиб туриши керак.

Шунингдек, кутубхона ходимларидан бирортаси ҳозир ўрта ёки олий ўқув юртларида сиртдан ўқимаётир. Маданият ўчоқлари ўртасида ўзаро мусобақа ташкил этилмаган.

Юқорида айтиб ўтилган ва бошқа камчиликлари бартараф этиш район партия комитети ва район ижроия комитетининг диққат марказида бўлиши лозим. Маданият ўчоқлари ишини кун сайин яхшилашда маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг роли катта эканлигини унутмаслик керак.

Колхоз ва совхозларда янги қишлоқ хўжалик йилига катта тараддуд кўриляпти. Бинобарин, маданият ўчоқлари олдида янада улуғвор вазифалар турибди. Улар ўз фаолиятларини кенгайтириб, янгиликларни актив пропаганда қилишлари, аҳолининг маънавий эҳтиёжларини тўла қондиришлари зарур.

Ҳ. РЎЗИМАТОВ,
область халқ ижоди уйининг директори.

А. АЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг масъул мухбири.

ХАЛҚ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

ҲИКОЯТХОН

Ярим кеча. Зуҳра бирдан касал бўлиб қолди. Ҳарорати кўтарилиб, ёноқлари қизарди.

Онанинг боши қотиб қолди. Уйлаб турибмиз, маҳалла ҳамшираси Ҳикоятхонни эслади. Узгариш кўчасидаги 49-уйга шошилди. Воқеадан воқиф бўлган Ҳикоятхон Муталова тезда ёрдам кўрсатиш учун Эшонқуловалар онласига йўл олди.

«Нима қилиш керак? Навбатчи врач чақириб болани касалхонага ётқизиш даркор» деган хулосага келди Ҳикоятхон.

— Ҳикоятхон, — деди шунда она, — ўзингиз биласиз, бешта болам бор. Касалхонага кетиб қолсам болаларимга ким қарайди.

— Буёғидан ғавотир бўманг, — деди Ҳикоятхон. — Қизингиз Зуҳрага ўзим қараб тураман...

Хона сув қуйгандек жим-жит. Бу жимликни девордаги соатнинг чиқиллаши ва Зуҳранинг оғир нафас олишигина бузарди. Ҳамшира бемор тепасида кўз-қулоқ бўлиб турибди.

— Сув, сув... — эшитилар-эшитилмас шивирлайди қиз.

— Мана, Зуҳрахон, мана...

Хонага яна жимлик чўкади. Ҳикоят Муталова Зуҳранинг ёнига келиб ўтиради.

...Ҳикоят опа бу шарафли касбга ёшлигидан қизиқарди. У «Қизил ярим ой» жамияти ҳузуридаги медицина курсига кириб ўқий бошлади. Курсни битиргач, болалар уйида хиррургия ҳамшираси бўлиб ишлади. «Яна бир оз ишлайман-да, кейин институтга кириб ўқийман» деб орзу қиларди у.

Аксига уруш бошланиб қолди. Ёш ҳамшира фронтга жўнади.

Хабаровск, Владивосток. Уруш вақтида кўп шаҳарларда бўлди. Госпиталлар ярадорлар билан тўлиб кетган. Улар билан овора. Ҳар бир жангчининг жонини сақлаб қолиш керак.

— Ҳамшира сув беринг!

— Ҳамшира, ҳамшира!

Шу зайлда бир неча ой госпиталда бўлгач, Владивостокдаги болалар уйида ишлай бошлайди. Ҳикоят опа йиғлаб турган болани кўриб қолса, дарров уни бағрига босиб аллалайди. Бирини юпатиб, иккинчисини қўлига олиб овутади.

Бир эмас, икки эмас, бир йўла ўттиз бола! Уларнинг ҳар бирига яраша муомала қилиш керак.

Ҳа, йиллар бекор ўтмади...

Тонг ёришди. Зуҳранинг ҳарорати пасайди. Укол таъсир этибди. Врач жилмайиб қўйди.

Ҳикоят опа ҳозир шаҳардаги 15-болалар поликлиникасида ишлайди. Ўз касбини севиб, халқ ўрматини қозонаётган бу камтарин аёл кишилар саломатлиги постида доим сергак туради.

Қ. ТОШПЎЛАТОВ.

ЎҚИШ МУДДАТЛАРИ ҚИСҚАРДИ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрлаш муддатлари ва бу мутахассислардан фойдаланишни яхшилаш ҳақида» қарор қабул қилдилар.

Студентлар учун янгича ўқиш муддатлари белгиланди. Инженерлик-техник ва инженерлик-экономика олий ўқув юртларида беш ярим йил ўрнига беш йиллик муддат белгиланди. Журналистика ва тарих ҳамда актёрлик, санъатшунослик ва маданий-оқартув мутахассисликлари бўйича студентлар беш йил ўрнига тўрт йил ўқийдилар. Медицина институтларининг баъзи факультетларида эса ўқиш муддати олти йил ўрнига беш ярим йил бўлади. Қишлоқ хўжалик мутахассислари тайёрлаш муддати саккиз йил ўрнига беш йил бўлади.

Совет олий ўқув юртларида ўқиш муддатларининг бундай қисқартирилиши нима ҳисобига, қандай ички резервлар ҳисобига бўлади?

ИҚТИСОД ҚИЛИНГАН СОАТ

Гап студентлар ўқув ҳафтасининг фақатгина бир предмет бўйича Москва инженерлик-қурувчилик институтида бир соатга қисқартирилганлиги ҳақида боради.

Бор-йўғи бир соат! Мана шунинг ўзи архитектура кафедраси ишида жиддий ўзгаришлар қилишга олиб келди.

— Биз студентларга архитектуранинг катта комплекс нурсини ўтамиз. Бунга тарих ҳам киради,— дейди институт проректори Всеволод Предтеченский.— Илгарилари биз ўз лекцияларимизда имкони борича кўпроқ маълумотлар беришга ҳаракат қилардик. Лекцияларда кўргазмали ҳамда ёзув материаллари кўп ишлатиларди. Эндиликда лекциялар умумий-методик характерда бўлмоқда. Бу лекциялардан мақсад меъморчиликнинг турли тарихий даврлардаги хусусиятлари, унинг қонуниятларини тушунтиришдан иборат. Бошқа маълумотларни студент китоб устида мустақил ишлаган вақтда олади.

Ўқув программасини қайта кўриб чиқдик, уни эски, актуаллигини йўқотган материаллар ҳисобига анча қисқартдик.

Ҳозирги кунда барча совет ўқув юртларидаги ўқиш процессида юз берётган ҳамма ўзгаришлардан мақсад бир нарсага — мустақилликка қаратилган. Студентлар миясини билимлар билан тўлдириб ташламай, балки уларни фикр қилишга, изланишга, мустақил ишлашга ўргатмоқ лозим.

Қисқа қилиб айтганда, НИМАГА ЎРГАТИШ ВА ҚАНДАЙ ЎРГАТИШ — ўқув процессидаги бу икки томон ҳозирги кунда мулоҳаза қилиб кўриб, қайта ташкил этилмоқда.

Ана шулар ҳақида алоҳида-алоҳида тўхтаймиз.

НИМАГА ЎРГАТИШ КЕРАК?

Бу ўқув плани ва программаси билан белгиланади. Студентларнинг институтда қанча муддат ўқиши ҳам план ва программанинг қай даражада такомиллаштирилганлигига боғлиқ.

Кейинги йилларда совет олий ўқув юртларида вақтни иқтисод қилишнинг бу муҳим резерви кескин даражада анализ қилиб кўрилди. Маълум бўлишича бу резерв анчагина экан. Чунки ўқув планлари ва программалар замонамиз талабларидан анча орқада қолган.

Одесса политехника институтининг ўқитувчилари «Классик» инженерлик таълимини олишга танқидий муносабатда бўлмаслик олий ўқув юртларида қанчалик қимматга тушишини ҳисоблаб кўрдилар. Қадимдан маълумки, инженернинг «тили» — чизмачилик ва чизма геометриядан иборат. Аммо эндиликда бу «тил» фақат инженер-конструкторлар учунгина керак. Бошқа кўпгина мутахассислар учун бошқа фанлар муҳимроқдир. Бироқ барча инженерлик соҳаларининг ўқув планларига чизмачилик ва чизма геометрия курслари ўз-ўзидан киритилмоқда ва бу фанлар аудитория билимларининг ўртача 5 процентга яқинини ташкил қилмоқда. Агар бунинг устига ана шу фанлар бўйича уй вазифаларини ҳам қушадиган бўлсак студентларнинг 7-8 процент қимматли вақти нетган бўлади. Одесса институтида айрим факультетларда бу курсларни қисқартириш, баъзи ҳолларда эса умуман олиб ташлаш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келдилар.

Одесса институтида ўқиш муддатлари ва ҳафталик аудитория соатлари сонининг қисқартирилганлиги курсларни бирлаштириш комплекс фанлар вужудга келтириш ҳисобига ҳам бўлди.

Ўз-ўзидан равшанки, ўқув программасини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган ҳар бир масала ўқув юрти олдида турган вазифаларга боғлиқ ҳолда алоҳида-алоҳида ҳал қилиниши керак. Аммо фаннинг бугунги муваффақиятларини ва унинг ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган, илмий жиҳатдан асосланган ўқув программаси ҳозирги кунда ҳар бир олий ўқув юрти учун қонун бўлиши керак.

ҚАНДАЙ ЎРГАТИШ КЕРАК?

Эндиликда бу гап мунозарали масала эмас: студентнинг мустақил ишлаши ҳозирги замон олий мактабидаги ўқув процессининг бирдан-бир йўлидир.

Таълимнинг шундай методлари лозимки, улар студентга ҳамма билимларни умумий тарзда бермасдан, балки таълим дуч келадиган вазифаларни мустақил ҳал қилишнинг йўлларини топишга имкон бериши керак. Шўниси равшанки, студентнинг фикрини уйготувчи, проблемаларни равшан ва чуқур қилиб қўювчи, мунозарали масалаларни ёритиб берувчи, мазкур билим соҳасининг ривожланиш йўлларини ифодалаб берувчи лекциялар бу соҳада асосий ролни ўйнайди.

Аммо лекциялардан ташқари студентларни мустақил ишга ўргатишнинг яна талайгина формалари бор. Бу соҳада совет олий ўқув юртлари катта тажриба тўплаганлар.

Урал университетида студент биринчи йилданоқ ўзи танлаган мутахассислигини ўз кўзи билан синаб кўриши керак, деб ҳисоблайдилар. Бу ерда пастки курс студентларига катта халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган темаларни топширишдан чўчимайдилар. Ўтган йил ёзда, масалан, экономика факультетининг биринчи курсини тамомлаган ёшлар комплекс экспедицияда ишлашди — иқтисодий районларнинг меҳнат ресурсларини, улардан фойдаланиш перспективаларини ўрганишди. Тадқиқотлар натижалари муҳим амалий аҳамиятга эга бўлди. Бу тадқиқотлар Урал план комиссиясига топширилди.

Москва архитектура институтининг студентларини курс ишлари, диплом лойиҳалари устида иш олиб борётган вақтда узоқ Шимолда ҳам, Жанубда ҳам, Қўриқ ўлкада ҳам учратиш мумкин. Уларнинг лойиҳалари бўйича бу жойларда фақат айрим биноларгина эмас, балки бутун-бутун турар-жой районлари ҳам қад кўтармоқда.

Практикумлар, студентлар конструкторлик бюроларидаги ишлар, илмий жамиятларда қатнашиш, курс проектлари, лабораториядаги машғулотлар — буларнинг ҳаммаси студентларни катта илмий тадқиқот проблемалари доирасига олиб ниради, ижод қилишга чорлайди.

Ўқув процессининг ана шундай тузилиши совет олий мактабидаги барча ўзгаришларнинг моҳиятини белгилайди. Мутахассислар тайёрлаш муддатларини қисқартишнинг резерви ҳам ана шунда.

Н. ФЕДЮШОВА, (АПН).

Чирчиқда янги техника станцияси иш бошлади. «Ёш техник» деб аталган бу станцияда авиамодель, кема моделизми, радио ва кино тўгараклари ишлаб турипти. Шаҳарнинг юзлаб ўқувчилари бу ерда ҳунар ўрганмоқдалар. Кино сирларини билиб олишга аҳд қилган ёшлар ҳам кўп. Суратда: кино ҳаваскорлар (чапдан) А. Пўлатов, В. Иванов, М. Зельцер, Е. Семеновлар машғулотда.

О. ЛЕВАК фотоси.

САЛОМАТЛИК— ГЎЗАЛЛИК

«Саломатлик — туман бойлик» нақлининг мазмунини яхши англаб олдим. Бу ҳикматли гап худди биз — ёшларга қарата айтилгандай. Тўғри-да, соғлом кишининг ақли ҳам яхши ишлайди, иши ҳам унумли бўлади. Лекин, гап шундаки, киши ўз соғлиғини ёшлигидан авайлаб сақлаши керак.

Мен Охунбобоев номли шаҳар маданият уйида ташкил этилган Саломатлик халқ университети машғулотларига мунтазам қатнашиб тураман. Биз — ёшлар университет машғулотларида инсон саломатлиги тўғрисида хилма-хил лекция-суҳбатлар тинглаймиз, медицина янгиликлари билан яқиндан танишамиз. Лекция-суҳбатларни тажрибали врачлар, таниқли олимлар олиб боришади. Машғулотлар давомида, ҳарбир темага оид илмий-оммабоп фильмлар ҳам кўрсатилади.

М. ПЎЛАТОВА,
университет тингловчиси.

ВАЙМАР ШАҲРИ—САНЪАТ МАСКАНИ

Яқинда Навоий номидаги Ўзбекистон давлат кутубхонасининг жамоатчилик асосида ишловчи адабиёт ва санъатни пропаганда қилиш бўлими Тошкент чет тиллар институти билан ҳамкорликда «Ваймар шаҳри — санъат маскани» деган темада адабий кеча ўтказди.

Кеча гитлерчилар фашизми тор-мор этилганлигига 20 йил тўлиши муносабати билан уюштирилди. Чет тиллар институти немис тили кафедрасининг старший ўқитувчиси М. С. Таннецапф доклад қилди. Сўнгра санъат маскани — Ваймарда яшаб ижод этган икки сиймо Гёте ва Шиллер асарларидан парчалар ўқилди, қўйлар ижро этилди.

Кечада чет эллик меҳмонлар ҳам иштирок этишди.

М. ЛАТИПОВ.

ОБЛАСТИМИЗ ҚИШЛОҚЛАРИДА

ПЕНСИЯ КОМИССИЯСИ ИШ БОШЛАДИ

Янгийўл районидаги машъал «Шарқ юлдузи» колхози правленнеси СССР Олий Советининг сессиясида қабул қилинган колхозчиларга пенсия тўлаш тўғрисидаги қонунни амалга оширишга киришдилар. Колхозда ўн кишидан иборат пенсия комиссияси тузилди. Колхоз партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Б. Султонов раҳбарлигидаги комиссия аъзолари қозиргача 400 колхозчининг аризасини кўриб чиқдилар. Бу пенсиялар февраль ойидан бошлаб пенсия тўланади. Комиссия аъзолари қўлида яна 200 колхозчининг аризаси бор.

Ш. РАЖАБОВ.

ЯНГИ ОЛМАЗОР

Калинин районидаги «Москва» совхозида 160 гектар янги олма боғи ташкил этишга киришилди. Ҳозиргача 25 гектар ерга 10 метр оралатиб бир неча минг «Семеренко», «Размарин» ва бошқа навли олма кўчатлари экилди. Яна 15 минг туп олма кўчати учун жой тайёрланмоқда.

Р. ИСМАТУЛЛАЕВ.

БЎРИ ИЗИДАН

Бир неча кундирки, 14-Хўжакент совхозининг 3-Чимбойлиқ бўлимидаги қўйхоналарга бўри оралаб қолди. Чўпонлар қанчалик хушёр бўлмасин, йиртқич ҳунарини кўрсатди. У қишлоқ аҳолисининг бешта ва совхознинг иккита қўйини «ўлжа» қилиб кетди.

Моҳир овчи Ҳ. Рихситиллаев бўри изига тушди. У содиқ «дустлари» — итларни эргаштириб тоғ ёнбағрига йўл олди. Кўп ўтмай тўртта бўрига дуч келди. Узини дарҳол дарахт панасига олди. Қўшотардан чиққан ўқ тоғдан акс садо қайтарди. Ярадланган бўри тўғри овчига қараб келарди. Ҳамид шошиб қолмади. Чақмоқлик билан милтиқни қайта ўқлаб ўқ узди. Йиртқич ер тишлади.

Моҳир овчини Бўстонлиқ тайёрлов конторасининг ҳамда 14-Хўжакент совхози маъмурияти қимматбаҳо буюмлар билан тақдирлади.

О. РИХСИТИЛЛАЕВ.

Нур ота

ҲИКОЯ

Оқшом эди. Пардавой билан кўчага чиқдим. Кўнгил пича дам олиб қайтишни истарди. Пардавой қулоқчинининг икки қулоғидан маҳкам ушлаб, иягига қаттиқ тортди. Қулоқчин чоклари шитирлаб, сергўшт юзини беркитди. Оғайнин пальтосининг ёқасини кўтариб, икки қўлини енги орасига беркитиб менга қаради. Бу унинг қаёққа юрайлик дегани эди.

Чиндан ҳам қаёққа бориш керак. Клубгами ёки чойхонагами? Клубда бугун кино бўлмайди. Чойхонага эса нима учундир кўнгил тортмай турипти.

— Дўконга борайлик. Бир пас ўтириб қайтамиз, — деди Пардавой. Унинг оғзидан бир ҳовуч буғ бўралаб ҳавога кўтарилди.

— Бормаймиз. Каримжон банддир. Кирди-чиқди жойда нима қиламиз.

— Кеч бўлди, харидор кам бўлади, юравер ўшаёққа оғайни, пича чақчақлашиб қайтамиз. — Пардавой елкамга елкаси билан тўртди. Қалқиб йўлга тушдим.

Дарвоқе, магазин очиқ, лекин унда ҳеч ким йўқ экан. Прилавка чеккасида уюлиб ётган жун газлама тойларининг орқасидан Каримжоннинг қирилган озғин боши кўринди.

— Келинглар, қани ўтиринглар, бола-чақаларинг омонми? — Каримжон бизлардан ҳол-аҳвол сўраб иккита табуреткани прилавка остидан олиб, бизларга узатди. Пардавой табуретканинг тахтачасини чертиб, сўнг уни ерга дўқ этиб қўйди ва яхши ўтириб олиб, Каримжонга илжайиб, имо қилди. Каримжон индамай ичкарига кириб кетди. Кейин у ердан бир қўлида чойнак, иккинчи қўлида пиёла билан қайтди.

— Пардавой, илтимосингга кўра, чой келтирдим, марҳамат — деди у чойнакни прилавка устига қўйиб.

Пардавой чойнакнинг қопқоғини очиб, ичига қаради, раҳмат оғайни, дегандай жилмайиб, энди конфетдан юз грамм ол, деди.

Каримжон бир сиқим конфетни тарозига ташлаб, сўнг уни олдимизга қўйди. Бир пиёладан чой ичдик.

Пардавой томоғини қирди.

— Каримжон, энди яримта дори олгин, — деди у.

Дўкон мудири унинг илтимосини бажо келтирди. Пардавой менинг соғлигимга кўтарди. Сўнг пиёлани кафтида узатиб, ўзининг соғлиги учун қадаҳни сипқоришимни айтди. Дўстимнинг соғлиги учун пиёлани бўшатдим. Навбат Каримжонга келди. У, узр сўради, ҳамма ички аъзолари гиншиб турганлигини бирма-бир айтиб, пиёлани кўнгил учун лабига ҳам босмади. Ярим соатда яримтани котириб, дўконнинг хўжайини бўлиб олдик.

Пардавой яна томоғини қирди:

— Каримжон, яримтанг ҳеч нарса бўлмади, яна биттасини ол, — деди, сўнг чўнтагини пайпаслаб, ундан беш сўмликни чиқариб, дўкон мудирига узатди.

Каримжон пулни олиб, ичилган ароқ билан столга қўйилган юз грамм конфетга пул олиб қолганини қайтарди.

— Бас, кўпи зиён келтиради, дўстларим, — деди мулойимлик билан Каримжон.

Менинг қизиб турган қоним қайнаб кетди, — унга бермасанг, менга бер, ол яримтани, — деб ёнимдан беш сўм чиқариб бердим.

— Сенинг пулинг ҳам керак эмас. Оёқда мадор қолмагунча ичишнинг нима кераги бор. Мен энди бошқа аччиқ чой дамлаб келтираман, — деди Каримжон ўрнидан туриб.

Мен ўнинг енгидан ушлаб, чойнакни қўлидан олдим ва токчани кўрсатдим, — ҳов ана у оқчойлардан келтир, — дедим.

— Бас дедимми, бас. Энди кеч бўлди. Эртага дўстлар! Мен магазинни ёпмоқчиман, — деди Каримжон.

— Дўкончи ёпмайсан. Ёпиб ҳам кўр. Дўкон ким учун. Бизлар учун. Гапни қўйдиримай ол арағингдан. Улар туриш учун эмас, сотиш учун келтирилган!

Магазиннинг очиқ эшиги қимирлагандай бўлди. Лекин ташқаридан ҳеч ким кирмади.

Каримжон ўрнидан гоз туриб, кўзларимизга тик қаради. У, бизнинг тенгдош, ёшликдан бирга катта бўлган қадрдон ҳамқишлоғимиз эди. Тўйимизда ҳам, азамизда ҳам бош-кош бўладиган дўстларимиздан бири эди. Ҳозир сал ранги ўзгариб, бизга газаб билан қараб қолди. Сўнг бақирди:

— Ёпсам нима қилардиларинг!

Шу вақт эшик яна тиқ этди, ташқаридан йўтал овози келди. Сўнг, — салом йигитлар! — деган овоз эшитилди.

Ўгириліб қарадик. Нурмат домла эканлар. Хаммамиз ўрнимиздан қалқиб, туртиниб, беўхшов илжайиш билан бараварига, салом бердик. Биз бошлангич синфда ўқиганимизда, мен, Пардавой ва Каримжон ҳаммадан олдин ва баланд овоз билан шу домлага қотириб салом берардик.

Домла ўша дамларни эсладими, кулиб қўйди ва прилавкага яқин келди. Каримжон табуреткани суриб, домлани унга таклиф этди.

Пардавой эса хўроздай қизариб, бешик тебратардай тебраниб, Каримжонга — яримтани энди ол, домла билан ичамиз, дегандай имо қилди.

Нурмат домла бошини сарак-сарак қилиб, — имо-ишорани қўйинглар, Каримжон болам, менга битта сигарет билан битта гугурт бер. — деди ва айтганларини олиб, мен билан Пардавойга қаради.

— Қани юринглар, болаларим, мени кузатиб қўйинглар, йўллар музлаб, юриш қийинлашиб қолибди. Қоқилиб, йиқилиб юрмай.

Домланинг бир тирсагидан мен, иккинчи тирсагидан Пардавой ушлаб, ташқарига чиқдик. Кўчада кататуриб, Пардавой яхта тойилиб, нураб кетди. Уни домла ушлаб қолди. Сал юргандан кейин мен қийшайдим. Мени ҳам домла ушлаб қолди.

Икки тавақалик эшик олдида тўхтадик. Домла билан хайрлашмоқчи бўлдик. Домла уйга таклиф этди. Биз ичкарига кирдик. Чўян печка гувуллаб қизиб турипти. Нариги хонадан Гулнор ая чиқиб, бизлар билан кўришиб, чой, қанд-курс келтириб, қўйиб кетди. Мен атрофга қараб ўтирдим. Уйнинг ҳамма жовонлари лиқ тўла китоблар. Стол устларида ҳам китоблар уюлиб ётипти. Пиёлани столга қўйиб. Абу Али ибн Синонинг катта бир китобини қўлимга олиб, варақлай бошладим.

— Ҳаким бўлган, кўп ўқиган буюк ватандошларимиздан, — деди домла.

Пардавой хомиза тортди. Домла унга ёмон қараш қилди, лекин ҳеч нарса демади. Кейин бир хўплам чой қуйиб ичиб, — ўқишда гап кўп, болаларим, — деди у.

Бир чойнак чой ичиб, ўрнимиздан турмоқчи бўлдик. Домла, китоб ўқийсизларми, сизларга қандай китоблар берай — деди. Мен Абу Али ибн Сино ва ўзбек халқ мақоллари китобларини олдим. Пардавой жўжалар расми солинган китобчани қўлтиққа қисиб олди.

— Ана шуни оламан, домла,— деди кўзини ишқалаб. У, яна хомиза тортди, катта очилган оғзини қўлидаги «жўжалар» билан беркитди.

Домла Пардавой қўлтиғидаги китобчага савол аломати билан қараб унга бир нима демоқчи бўлди, лекин энсаси қотди шекилли индамади,

Хонадон эгаларига чой ва китоблар учун раҳмат айтиб, ташқарига чиқдик.

Уйга келиб, кайфим тарқади ва нима учундир, домланинг оппоқ соқоли кўзим олдида силкиллаб тураверди. Уни ўйласам Ибн Сино, Навоий, Умар Ҳайём, Низомий, Обой, Пушкин ҳаёлимга келадиган ва улар ҳам оппоқ соқолли мўйсафедлардай кўринадиган бўлиб қолишди.

Ўн кундан кейин Ибн Сино китобини домлага элтиб бердим. Домла уйида бетоб ётган экан. Домлага осон эмас. Ёши етмишдан ошган. Икки азамат ўғли фронтда ҳалок бўлган. Битта турмушга чиққан қизи бор. Хотини Гулнор ая ҳам кучу-қувватдан кетган. Бир кун тузук бўлса, бир кун касал. Эру хотин бир вақтлар бизни ўқитган, талабчан, зўр муаллимлардан эди. Энди уларни пенсионер домлалар дейишади.

Домла инқиллаб ўрнидан турди, мени диванга ўқазиб, муштдай чойнакда чой келтирди. Икки қултум чой қуйиб, менга узатди ва китоблардан олган таассуротларимни суради. Мен Ибн Сино китобининг ўндан бир қисмини зўрга ўқиб, уни олиб келган эдим. Меъда айниш ва қайт қилиш ва уларни даволаш ҳақидаги ҳаким сўзларини айтдиму охирида тутилиб, дудуқланиб қолдим. Домланинг инқиллаши йўқолди, жаҳли чиқди шекилли, бир вақтлардагидек бу дам ҳам менинг хатоларимни тузатиб, китобнинг шифо бобининг бутун мазмунини қисқача, лекин жуда жонли сўзлаб берди. Ҳайрон қолдим. Қандай билимдон киши дедим ичимда.

— Мен уйимда кутубхона очмоқчиман, Чолу кампир кутубхоначилик вазифасини ўтамоқчимиз, — домла ўрнидан туриб, жовонлардаги китобларини кўздан кечирди. Гулнор ая ичкариги уйдан чиқиб, эшикка суянди, жилманиб гапимизни эшитиб турди. Домла хотинига кулиб қаради ва яна ўзи чой дамлаб келди. У тетикланиб кетди, рангига қон югургандек бўлди.

— Нима, колхоз бунинг учун маош тўлайдими? — деб сўрадим ҳайрон қолиб.

— Йўқ болам, — деди домла, сўнг яна сўзини давом эттирди, — олган пенсиямиз етиб ошади. Жамоатчилик асосида ишламоқчимиз. Бу фикрга нима дейсан?

— Зўр гап, — дедим, — лекин қийналиб қолмайсизларми? Қишлоқда икки мингдан ортиқ аҳоли бор. Шунинг ярмиси сизнинг остонангизни босиб юришадиган бўлишади.

— Эшигимиз очиқ, кўнглимиз очиқ. Келсалар нур устига нур бўлади. Чарчаб қолсак, сизларни ёрдамга чақирамиз.

Мен домладан «Қутлуғ қон» билан «Чин инсон қиссаси»ни олиб кайтдим. Нима учундир Пардавойни кўргим келди. Ўлимни ўзгартириб, уникига бордим, эшигини тақиллатдим. Эшикни хотини очди. Оғайнимни сўрадим. Дам олиб ётибдилар, деди у. Изимга қайтдим. Эртасига унинг уйига яна бордим. Стол устида қовурма шўрва турипти. Пардавой сўрашиб, столга имлади. Мен столга ўтирдим, Пардавой шишада ароқ келтирди. Мен уни қўлимга олиб, токчага қўйдим.

— Менга бер. ҳазилингни қўй, — деди Пардавой қўлини чўзиб.

— Ҳазили йўқ, мен ичмайман, — дедим.

— Ичмасанг нимага келдинг,— деди ўшқириб у.

— Сен домладан олиб келган китобчани олишга келган эдим,— дедим жаҳлим чиқиб.

Пардавой полда варақлари очилиб ётган китобчани энгашиб қўлига олди.

— Мана, ол, жўжаларни нима қиласан! — Унинг овози муз ялаб ўтгандай дўриллаб эшитилди.

— Пишириб ейман, — дедим.

Пардавой жавоб ўрнига бақрайиб қолди. Мен зарб билан ўрнимдан туриб, хайрлашмай ташқарига чиқдим. Ибн Сино ароқнинг инсонга зарари ҳақида насиҳат қилаётгандай туюлди. Мен Нурмат домла уйига йўл олдим.

Домланинг эшиги очиқ эди. Ичкарига кирдим. Уйда ўн чоғлиқ одам бор эди. Улар китоб танлаяптилар. Нарида Холжонхола боқчадаги неварасига ўқиб бериш учун эртак китоб сўраб келибди. Дўкончи Каримжон ҳам шу ерда. У, савдо-сотиққа оид китоб билан қизиқаяпти.

Домла мени кўрмади. У, китоб ахтариш билан овора эди. Мен оппоқ соқолли нуроний домланинг орқасидан бир паст қараб турдим. Шунда кўнглимга бир гап келди, домлани Нурмат ота деб эмас, балки Нур ота деб чақиргим келди. Чиндан ҳам домла Нур отага ўхшарди. Кўнглимда шу нур бўлмаса, шундай деб атамасмидим. Домланинг кўзи менга тушди, мен отага таъзим қилиб, салом бердим.

НАЗАРМАТ.

ШАҲАР ТЕМАСИДА

„АКТ ЁЗИШСА НИМА БЎПТИ“

Маҳаллага комиссия келди. Водопровод жўмрагини асфальт йўлга бораб, кўчага сув оқизиб қўйганлар текширилаётган эди. Бу хабардан «Гулбозор» маҳалла комитетининг раиси Соатов албатта хабардор қилинган эди. Катта-кичик, кенг-тор кўчалар бирма-бир айланиб, кўриб чиқилди. Мутахассисларнинг аниқлашича водопровод суви тўхтовсиз оқизиб қўйилгани сабаби маҳалладаги минг квадрат метр кўча асфальти ювилиб кетган.

— Чатоқ бўлибди-ку, ўртоқ Соатов,— деди комиссия аъзоларидан бири.

— Хўш, мен нима қилишим керак,— елка қисди Соатов.

Комиссия аъзолари али дейишса, Соатов бали деди. Шунча ердаги асфальт йўлнинг бузилганлиги «бу менинг ишим эмас», деб бўйнига олмади. Шундан кейин акт ёзилди. Бунинг бажо келтирилиши ва ўрнини қоплаш учун маҳалла комитетининг секретари:

— Чатоқ бўладиганга ўхшайди, акт ёзишапти,— деди куйиниб.

— Хўш, акт ёзишса нима бўпти,— тўнғиллаб жавоб берди Соатов ва ўрнидан туриб кетаверди. Комиссия аъзоларидан бири «актга қўл қўймайсизми» деган эди «менинг актпактли ишим йўқ!» деди у.

Борди-ю Соатовнинг ховлисида бирорта ғишт кўчиб кетган бўлса борми-ди. у ҳаммаёқни тўпалон қилиб юборарди. Сув бузган минг кубометр асфальтга Соатовнинг пули қуйманганда, шу сабабли унинг жони ачиманяпти.

Водопровод суви ювиб бузилган асфальт кўчалар «Социализм», «Чиғатой», Калинин номли, «Ғалаба», Собир Раҳимов номли, Крупская номли, Ҳамза номли маҳаллаларда ҳам 50—60—100 квадрат метрни ташкил этади. Ана шулар тўғрисида катта-кичик аҳлар ёзилган, маҳалла комитетларининг раислари огоҳлантирилган. Афтидан улар ҳам «Гулбозор» маҳалла комитетининг раисига ўхшаб «акт ёзишса нима бўпти», деб юборишаверганга ўхшайди.

Қиссадан хисса, дейилганидек юқорида номлари айтилганларнинг маҳаллаларнинг раислари нима қилишмоқчи. Ахир улар бирор кўча ёки тупик асфальтланмаган бўлса район коммунал хўжалиги бўлимига, район ижроия комитетига телефон қилавериб, хат ёзавериб, ҳеч кимни тинч қўйишмайди. Лекин бепарволик, масъулиятсизлик орқасида бузилиб кетаётган асфальт йўлларни кўришганда, шулар устидан текшириш ўтказган комиссиялар танбеҳ бериб акт тузишганда эса:

— Қўлидан нима келарди, акт тузиб кетишаверади-да,— деб чойхонада чой ҳўплаб утиришаверди.

Энди икки оғиз гап кўчаларга водопровод ўтказувчилар ҳақида. Маҳалларнинг йил сайин кўпроқ водопроводлаштирилаётгани қувонарли, бунинг учун ҳамма раҳмат айтади. Аммо водопровод суви оқиб кетадиган махсус ариқчалар, чуқурларни ҳам бир йўла қуриб кетганларида эди, балким актбозлик бунчалик авжига чиқмаган бўларли.

Хўш, шу маслаҳатимиз сизларга маъқул келадими?

М. САЛИМОВ,
Октябрь райони.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

27 ЯНВАРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.00 — Хокией. «Динамо» (Олмаота)—«СКА» (Хабаровск) командалари ўртасида (Олмаотадан).

Ўзбек тилида: 17.50 — Қизил галстук (тележурнал). 18.40 — Бир процент нима? (телеочерк). 18.50 — Ҳозирги актуал масалалар телеуниверситети. 19.10 — Экиш агрегатлари мавсумга шай бўлсин (қишлоқ хўжалик ходимлари учун).

19.30 — Концерт (Ўзбек давлат филармонияси ва рақс ансамбли, ижросида).

Ўзбек тилида: 20.10 — Телевизион янгиликлар.

20.30 — Эшиттиришлар программаси.

Рус тилида: 20.35 — Телевизион янгиликлар, 20.50 — Адабий чоршанбалик. 21.30 — Дуэнья (телеспектаклининг 1-серияси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.10 — Третьяков галереясида (мактаб ўқувчилари учун). 18.35 — Тошкент янгиликлари. 18.45 — Лирик куйлар. 19.10 — Евойи ит Динго (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 20.45 — Тошкент янгиликлари, 20.55 — Озарбайжон рассомлари.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/I да Сарвқомат дилбарим, 28/I да Хатарли йўл.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/I да Зарафшон қизи, 28/I да Ёшликда берган кўнгил.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 27/I кеч соат 7 яримда коммунистик меҳнат бригадалари учун 9-абонемент бўйича «Оммабоп музика» циклидан: «Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри» деган темада суҳбатли концерт.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 28/I кеч соат 8 да Ўзбек давлат филармонияси ва эстрада артистларининг концерти. Касса кундуз соат 2 дан очилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Чавандоз ва арслонлар» аттракциони ва Доғистон «Цовкра» дорбозлари. Кеч соат 8 да бошланади.

КИНО

Дорбозлар (Ўзбек тилида)—НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ВАТАН» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2, 4 ва кеч 6 да), «ИСКРА» (кундуз 2-20 ва 4-20 минутда).

Ишонинг менга, одамлар — «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да), «ИСКРА» (эрталаб 10-20 ва кеч 10-50 минутда).

30 ЯНВАРДА МОСКВА ШАҲРИДА

3% ЛИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚ ЗАЕМИНИНГ 103-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ

БЎЛАДИ.

Бу тиражда заёмнинг ўн саккиз разрядига 8.370.360 сўмлик 153000 ютуқ, шу жумладан:

5.000	сўмдан	36 ютуқ,
2.500	сўмдан	90 ютуқ,
1.000	сўмдан	450 ютуқ,
500	сўмдан	1440 ютуқ,
100	сўмдан	12600 ютуқ,
40	сўмдан	138384 ютуқ.

ўйналади.

Тиражларда ўйналадиган ютуқлар сони заём муддати охиригача ўзгармасдан, ютган облигациялар бундан кейинги тиражларда қатнашмаганлиги учун, заём облигациялари бўйича ютиш эҳтимоли ҳар бир тираж ўтказилган сайин оша боради.

Заём облигациялари омонат кассаларда бемалол сотилади ва сотиб олинади.

3 % ли заём облигацияларини сотиб олинг!

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 ўй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор —29004, Редактор ўринбосари— 25885. Масъул секретарь — 34808. Идеология, адабиёт ва санъат бўлимлари —31936. Партия турмуши бўлими —26232. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари —29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими —28761. Ахборот ва спорт бўлими —33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор —30249 дан 30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 08434. Индекс 64695. Нашр. №-В 1635.